

НАВРЎЗИ ОЛАМ БАРЧАМИЗГА, БУТУН ХАЛҚИМИЗГА ҚУТЛУҒ ВА МУБОРАК БЎЛСИН!

@Xolisnazar

@Xolis_nazar

www.mahalladosh.uz

Маҳалла



№ 11
(1993) 2021 йил
22 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ



ларимиз рўёбга чиқмоқда. Гўзал ва жонажон юртимизда яна шодиёналар, яна қувончли кунлар бошланмоқда.

Албатта, барчамиз яхши тушунамизки, бутун дунёда коронавирус балоси ҳали тўла бартараф этилгани йўқ. Афсуски, у биз билан бирга, ёнимизда яшамоқда.

Халқимиз соғлиғини асраш йўлида қандай саъй-ҳаракатлар ва катта амалий ишлар қилганимиз барчангизга яхши маълум. Энди шунча меҳнатимиз, кўрган чора-тадбирларимиз бекорга кетмаслиги учун пандемияга қарши курашни бир лаҳза ҳам тўхтатмаслигимиз лозим. Ўзимиз ва яқинларимизни ҳимоя қилишимиз, бепарволик ва беғамликка берилмаслигимиз шарт. Доимо ҳушёр ва масъулиятли бўлиб яшашимиз, тўплаган тажрибамизга таяниб, албатта, эҳтиёткорлик билан тизимли иш олиб боришимиз зарур.

Шундагина меҳнаткаш халқимиз билан эзгу мақсадларимиз ва катта режаларимизни янги куч, янги ғайрат билан давом эттира оламиз.

Бугун сизларнинг нурли чеҳрангизни кўриб, халқимиз ҳам худди гўзал баҳор фаслидек куч ва қудратга тўлиб бораётганига яна бир бор амин бўлдим.

Кўклам нафаси юртимиз узра кезаётган мана шундай тароватли кунларга соғ-омон етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

(Давоми 2-саҳифада)

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Сиз, азизларни, сизлар орқали кўп миллатли халқимизни шарқона янги йил – Наврўз байрами билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Нуроний отахон ва онахонларимизга, ҳурматли ака-ука, мунис опа-сингилларимизга, навқирон ёшларимиз, суюкли фарзандларимиз-

га, хориждаги ватандошларимизга – бутун эл-юртимизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва энг эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Ҳаммамиз орзиқиб ва соғиниб кутадиган янгиланиш ва яшариш айёми – Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

Ҳурматли юртдошлар!

Ўтган йили пандемия туфайли Наврўз байрамини ҳар доимгидек катта тантана қилиб, кенг нишонлай олмаган эдик. Ўшанда, бу ташвишли кунлар албатта ортда қолади, ҳали кўп тўй-томоша ва сайилларни халқимиз билан биргаликда ўтказамиз, деб эзгу ният қилган эдик.

Бугун ана шу орзу ва интилиш-

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!
Ҳурматли маҳалла тизими ходимлари ва фаоллари!

Аввало, сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни Маҳалла тизими ходимлари куни билан чин қалбимдан

табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва самимий тилақларимни билдираман.

Мамлакатимизда илк бор нишонланаётган ушбу байрам яшариш ва янгиланиш, меҳр-оқибат айёми –

Наврўз тантаналари давом этаётган мана шундай шуқуҳли кунда ўтказилаётганида ўзига хос рамзий маъно бор.

Маҳалла – асрлар оша миллий урф-одат ва анъаналаримизни безавол

сақлаб, халқимиз учун эзгулик ва тарбия бешиги, яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатлик маскани бўлиб келмоқда.

Биз маҳалла деганда, дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият

билан уйғун бўлиб яшашга ўргатиб, бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб тузилмани тушунамиз.

(Давоми 3-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

(Давоми.
Бошланиши 1-саҳифада)

Азиз ватандошлар!
Пандемия бошланган биринчи кунларда мен халқимизга мурожаат қилиб, бу синовдан янада кучли ва қудратли бўлиб чиқамиз, деб ишонч билдирган эдим.

Чиндан ҳам, бизнинг кучимиз – бирлик ва аҳилликда; бизнинг қудратимиз – меҳр-оқибат, ўзаро кўмак ва саховатда; бизнинг ютуғимиз эртанги кунга бўлган юксак ишончимизда.

Бу адолатли ҳақиқатни бошимиздан кечирган синовли кунлар яна бир бор исботлади.

Мана шу машаққатли давр бизнинг бир-биримизга нақадар боғлиқ ва керак эканимизни яққол кўрсатди. Шунингдек, бир-биримизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшашимиз ҳаётий зарурат эканини тўла намоён этди. Биз фақат бир-галликда, ҳамжиҳатликда

келмоқда.

Наврўз – чинакам халқ байрами, миллий ўзлигимиз кўзгуси, маънавий ва маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир.

Минг йиллар олдин ота-боболаримиз бу улғ айёмни қандай пок ният ва ёруғ умидлар билан кутиб олган бўлсалар, бугун ҳам халқимиз мана шундай баланд кайфият билан Наврўзга пешвоз чиқмоқда.

Ям-яшил далалар ва гуллаган боғларда, майдон ва хиёбонларда, қишлоқ ва овулларда, маҳалла ва кўчаларда Наврўзнинг дилбар тароналари – Янги кун наволари янграмоқда. Қир-адирларда мард ўғлонларимиз кўпқари чопиб, кураш тушмоқда. Кексаю ёш юртдошларимиз сумалак тўла қозонлар атрофида ўйин-кулгулар қилиб, баҳор неъматлари ва байрам қувончини ўзаро баҳам кўрмоқдалар.

Шундай шуқуҳли ва бе-



Бутун олам, еру кўк уйғонаётган бу ажиб фаслда юртимиздаги янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс орзуси қалбларимизга бекиёс куч ва ишонч олиб кирмоқда.

Халқимизнинг фидо-корона меҳнати, қатъий сиёсий иродаимиз билан биз кенг кўламли ислохотларимизни бундан кейин ҳам жадал давом эттирамиз. Қанчалик қийин бўлмасин, эл-юртимиз манфаатини, жондан азиз фарзандларимиз келажагини таъминлашга хизмат қиладиган, танлаган тўғри йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз.

Айни шу мақсадда мамлакатимизда ўнлаб замонавий корхоналар, sanoat худудлари ва кластерлар, «IT-парк» ва технопарклар, транспорт-коммуникация тармоқлари, шинам уй-жойлар, кўркам боғча ва мактаблар, олий ўқув юртлири, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз киёфаси тобора чирой очиб, жонажон диёримиз янада обод ва гўзал бўлиб бормоқда.

Зеро, Наврўзи оламнинг мазмун-моҳиятида инсонни улғлаш, унинг қадри, иззат-ҳурматини жойига қўйиш каби эзгу фазилатлар мужассамдир.

Юртимизда аҳолининг барча қатламлари, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни билим ва касб-хунарга ўргатиш,

иш ўринлари, даромад манбаи, турар жойлар билан таъминлашга устувор аҳамият берилмоқда. Айниқса, ижтимоий ёрдам ва кўмакка муҳтож, кўнгли ярим инсонларга чинакам эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш доимий фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Бу борадаги ишларимиз «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» да мазмун ва сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтарилмоқда.

Мана шундай амалий ҳаракатларимиз келгусида янада кенгайиб, **«Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!»**

Хўрматли дўстлар!
Наврўз – инсон ва табиатни асраб-авайлашга, тинчлик, дўсту биродарлик ва ҳамкорлик каби умумбашарий қадриятларни эъзозлашга чорлайдиган улғу байрамдир.

Ушбу қутлуғ айёмда турли низо ва адоватлар, гина-аразлар унутилади, халқлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва аҳиллик тамойиллари янада кучаяди.

Ана шундай бекиёс фазилатлари туфайли Наврўз нафақат мамлакатимиз, балки бутун Шарқ оламида замонлар оша безавол яшаб келмоқда. Шунинг учун ҳам Наврўз юртимизда истиқомат қиладиган 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари бир оиладек бирлаштирадиган гўзал байрамга айланди.

Сизларга маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 21 март – Халқаро Наврўз куни деб эълон қилиниб, у ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган. Ушбу сананинг жаҳон миқёсида кенг нишонланиши унинг халқаро нуфузи ва аҳамияти тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

Мана шу нурафшон айёмда узоқ-яқин барча давлатларнинг халқларига, хорижий дўст ва ҳамкорларимизга эзгу табрик ва саломларимизни йўллаб, уларга тинчлик ва равақ тилаймиз.

Қадрли отахон ва онахонлар!

Мухтарам опа-сингиллар!

Хўрматли ака-укалар!
Азиз фарзандларим – навқирон ёшларимиз!
Қадимий ва гўзал байрамимиз – Наврўзи олам билан барчангизни яна бир бор чин дилдан табриклайман.

Шарқона Янги йилимиз ҳар бир хонадонга, жонажон Ўзбекистонимизга тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ-омонлик, бахту саодат ҳамда файзу барака олиб келсин!

Илоҳим, жамики улғувор мақсадларимиз, яхши ният ва улкан режаларимиз рўёбга чиқсин!

Ватанимиз янада обод, халқимиз ҳаёти ҳамиша фаровон бўлсин!

Азизларим, Наврўзи олам барчамизга, бутун халқимизга қутлуғ ва муборак бўлсин!



буюк ишларга қодир эканимизни пандемия синовлари яна бир карра тасдиқлаб берди, десам, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласизлар.

Албатта, коронавирус туфайли дунёда кўп нарса ўзгармоқда. Лекин халқимизнинг она табиатга, муқаддас заминга мухаббаты, азалий қадриятларга эҳтиром ва садоқати асло ўзгаргани йўқ. Аксинча, бундай олижаноб хислатларимиз янада зиёда бўлмоқда, сайқал топмоқда.

Шу боис ҳам азалдан баҳорий уйғониш ва нафосат тимсоли бўлган Наврўзи олам биз учун тобора ардоқли бўлиб бормоқда.

Бу йилги Наврўзнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у жонажон Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ 30 йиллик байрамига тадбирлари ўтайдиган йилга тўғри

такрор дамларда барчамиз тинч ва осойишта ҳаёт ҳамда хотиржамлик қадрини янада теранроқ ҳис этмоқдамиз.

Бугунги муродбахш ва файзли кунларда миришкор деҳқон ва фермерларимиз улкан ният ва режалар билан қадрдон даласи сари йўл олмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, азму шижоатли бободоҳқонларимизни янги меҳнат мавсуми билан самимий қутлаймиз. Ушбу қутлуғ байрам кунларида жорий йилда ҳам далаларда ҳосилларимиз мўл ва баракали, ризку насибамиз янада зиёда бўлсин, деб барчамиз дуолар қиламиз.

Хўрматли байрам иштирокчилари!

Наврўзнинг ўлмас руҳи ва боқий фалсафаси биз бугун бунёд этаётган янги Ўзбекистон ғояси билан ғоят уйғун ва ҳамоҳангдир.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИГА

(Давоми.
Бошланиши 1-саҳифада)

Айни пайтда, юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ўз ҳаётини, қувончу ташвишларини маҳалладан айри ҳолда тасаввур эта олмайди.

Шу боис, биз кейинги тўрт йилда маҳалла институтига миллий давлатчилигимизнинг асосий қуйи бўғини сифатида қараб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва ролини оширишга қаратилган кенг кўламли ва пухта ўйланган ислохотларни амалга ошираётганимиздан барчангиз яхши хабардорсиз.

Бу даврда соҳа ривожига доир **50 дан ортиқ** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани, ҳар бир ҳудудда **«Обод ва хавфсиз маҳалла»** тамойилига асосланган янги тизим жорий этилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Юртимизда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, муҳтарам нурунийларимизнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, фуқаролар йиғинларининг жамиятдаги мавқеи ва таъсирини кучайтиришга кўмаклашиш мақсадида **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги** ташкил этилди.

Фуқаролар йиғинлари раисларининг ҳуқуқ-тартибот, оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий ҳамда ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари лавозими жорий қилинди. Соҳа ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида уларнинг ойлик маошлари **3 бараварга** оширилди, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари фаоллари ҳамда кенг



жамоатчилик вакиллари учун **«Маҳалла ифтихори»** кўкрак нишони таъсис этилди.

Фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида **1 минг 163 та** маҳалла идораси янгидан қурилди, **3 минг 612 таси** реконструкция қилинди ва таъмирланди. **110 та** туман ва шаҳарда **«Маҳалла маркази»** мажмуалари барпо этилди, **4 минг 319 та** маҳалла биноларида кутубхоналар ташкил қилинди.

Соҳа ходимларининг жамиятимизда маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги фидокорона хизматларини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айниқса, маҳалла фаолларининг пандемия даврида кўрсатган чинакам жонбозликлари, хусусан,

синовли кунларда одамлар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатиш, аҳоли бандлигини таъминлаш сингари ғоят муҳим ва долзарб масалаларда давлатимизга мустаҳкам таянч бўлиб майдонга чиққанини миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Жумладан, бу даврда маҳалла фаоллари томонидан **700 мингга яқин** фуқаронинг бандлигини таъминлаш, **60 мингдан зиёд** юртдошларимизни тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка жалб этиш, имконияти чекланган **754 мингдан зиёд** оилаларнинг томорқаларидан самарали фойдаланишга амалий ёрдам кўрсатилганини алоҳида эътироф этиш зарур.

Маҳаллаларда **ҳашар йўли билан 164 мингдан ортиқ** эҳтиёжманд оилаларнинг хонадонлари таъмирланиб, **1000 га яқин** камбағал оилаларга уй-жойлар қуриб берилгани, **10 минг** километрга яқин ички йўللари ва **644 та** кўприк таъмирлангани, **339 та** кўприк янгидан қурилгани, қарийб **2 минг** километр узунликда ичимлик суви тортилгани ва **1 минг 300 га яқин** насослар ўрнатилганида сизларнинг катта ҳиссангиз бор.

Жамиятда соғлом маънавий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида ўтган йили маҳалла фаоллари кўмагида ажралиш ёқасига келиб қолган **21 мингга яқин** оила яраштирилгани, **16 мингдан зиёд** оиланинг нотинчли-

гига барҳам берилгани, **5 мингга яқин** маҳаллада жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани, намунали маҳаллалар сони **1 минг 704 тага** етгани албатта таҳсинга лойиқдир. Азиз дўстлар!

Бугунги кескин ва шиддатли глобаллашув даврида юртимизда ўзаро аҳиллик ва тотувлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик тамойилларини, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлашда маҳаллаларнинг ўрни ва нуфузи тобора ортиб бормоқда.

Айни пайтда ушбу тизимнинг нуфузи ва фаолияти самарасини кучайтириш, уни фуқаролар ўз фикри ва дардини, таклиф-тавсияларини эркин айтadиган, муаммосига ечим топадиган чинакам халқчил идорага айлантириш ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда.

Халқимизда: **«Бир болага етти маҳалла ота-она»**, деган гап бежиз айтилмаган. Фарзандларимизнинг маънавий баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, ёш оилаларнинг мустаҳкам оёққа туриб олишида ушбу тузилманинг ролини янада ошириш, **«Ҳар бир нуруний – беш нафар ёшга мураббий»** тамойили асосида бошланган эзгу ишларимизни изчил давом эттириш бугунги кун талабидир.

Маҳалла раиси фаол ислохотчи сифатида, аввало, замон билан ҳамқадам бўлиши, ўз билим ва малакасини доимий ошириб бориш ҳақида ўйлаши, **«Обод маҳалла»**, **«Обод кўча»**, **«Обод хонадон»** мезонларини ҳаётга тат-

биқ этиш, турли ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, маҳаллаларни тадбиркорлик марказларига айлантириш чораларини кўриши даркор.

Халқимизни ҳаётдан рози қилишдек улуғвор мақсадга эришиши йўлида биз ислохотларни **«Маҳаллабай»** асосда амалга ошириш, барча қишлоқ ва маҳаллаларимизни жадал ривожлантиришга биринчи даражали эътибор қаратмоқдамиз.

Айни вақтда аҳолининг эҳтиёжманд қатлами билан манзилли иш олиб бориш, **«Темир дафтар»**, **«Аёллар дафтари»** ва **«Ёшлар дафтари»**га киритилган юртдошларимиз муаммоларини **«хонадонбай»** ҳал этишда, ҳеч шубҳасиз, маҳалла органлари муҳим ўрин тутди.

«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» деган муҳим тамойилни амалга оширишда биз аввало маҳалла тизимига, маҳалла фаоллари ва фидойиларининг улкан салоҳиятига таянамиз.

Биз маҳалла институтини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга бундан буён ҳам бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Шу борада бир фикрни таъкидлаб айтмоқчиман:

Маҳалла обод бўлса – юрт обод бўлади. Маҳаллада ўзгариш бўлса – бутун жамият ўзгаради.

Ҳурматли маҳалла тизими ходимлари!

Муҳтарам фахрийларимиз!

Халқ ишончини оқлаш, унга муносиб бўлиш – дунёдаги энг улуғ бахтдир. Шундай бахт, шундай шараф ҳаммангизга насиб этсин!

Сизларни бугунги қутлуг байрам билан яна бир бор муборакбод этар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларингизга файзу барака, масъулиятли ва серқирра фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти



«ЎЗБЕК МАҲАЛЛАЛАРИДАН ЎРГАНАДИГАНИМИЗ КЎП ЭКАН...»

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан дипломатик корпус вакиллари, хорижий ташкилотлар раҳбарлари ва кенг жамоатчилик учун «Маҳалла институтининг давлат ва жамият бошқарувида тутган ўрни» мавзусида халқаро брифинг ташкил этилди.



Брифингда таъкидланишича, ўтган йили мураккаб пандемия шароитида мавжуд **9 минг 199 та** маҳалланинг қарийб **40 минг нафар**га яқин ходими, жамоатчилик асосида ишлаётган **767 минг нафар** фаоллар жойларда аҳолига катта ёрдам кўрсатди. Жумладан, бу синовли пайтларда вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳузурида ташкил этилган Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказлари орқали **725 мингдан ортиқ** оилага **85 миллиард сўмлик** озик-овқат ва дори-дармонлар тарқатилди.

Шунингдек, «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан **490 мингдан ортиқ** оилага моддий ёрдамлар кўрсатилгани, Сирдарёда юз берган техноген вазиятдан жабр кўрган аҳолига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш мақсадида Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларида замонавий қулайликларга эга **2 640 та** хонадонли **86 та** кўп қаватли замонавий уй-жойлар бунёд этилгани кўпчилик томонидан эътироф этилди.

— Мен Ўзбекистонга элчи бўлиб келганимга кўп бўлгани йўқ, — дейди Украинанинг Ўз-

бекистондаги элчиси Николай Дорошенко. — Аммо қисқа муддат ичида жамиятингизнинг асосий бўғинларидан бўлган маҳалланинг нима эканини тушундим. Бу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши, турли маҳаллий муаммоларни тезкорликда, ҳамжихат бартараф этишида ўта самарали восита экан. Масалан, маҳаллада якка-ёлғиз ногирон ёки кекса бор дейлик. Давлат унга қараш учун патронаж ҳамширасини бириктирар. Аммо ҳамшира ҳаммиша ҳам бу одамнинг ёнида бўла олмайди.

Бундай вазиятларда раис бошчилигидаги маҳалла жамоатчилиги ёрдамга келади. Ҳозир Украинада ҳам шу каби ўзини ўзи бошқариш институтларини яратиш устида ишлар кетяпти. Децентрализация — ҳукумат вазифа ва ваколатларини ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида тақсимлаш сиёсати доирасида маҳаллий «община»ларга худди сизлардаги маҳалла сингари ваколат ва вазифалар берилляпти. Бу борада ўзбекларнинг минг йиллик анаъаналаридан ўрганадиганларимиз кўп экан. Мен, албатта, ўз

ҳукуматимга ўзбекларнинг ўзини ўзи бошқариш институтлари тажрибаси тўғрисида маълумот берман. Ўйлайманки, Украинани бу ердаги кўплаб тажрибалар қизиқтиради.

Брифинг доирасида иштирокчилар пойтахтнинг Миробод туманидаги «Афросиёб» ҳамда Учтепа туманидаги «Шарқ юлдузи» маҳаллаларида бўлиб, йиғинлар фаоияти билан танишди, халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, миллий таомларидан баҳраманд бўлишди.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

ЁШЛАР ҲАМ МАҲАЛЛА РАИСИ БЎЛИШИ КЕРАК...


Давлатимиз раҳбари Наманган вилоятига ташрифи чоғида: «Энди маҳалла ташаббускор, маҳалла раиси ислохотчи. Олдингидек раисларнинг маросимларда юрадиган даври ўтиб кетди. Бироқ ҳамма маҳалла раислари ҳам бугунги синовларга тайёрми? Менинг таклифим — маҳаллага оқсоқолни маслаҳатчи қилиб қўйсақ, маҳалла раислигига эса ёш ва забардаст ёшларни сайласак. Оқсоқолнинг обрўсини асло туширмаймиз, доим даврамиз тўрида бўлади. Маҳалла раиси кечаю кундуз тинмайдиган, халқнинг оғирини енгил қиладиган киши бўлиши керак» деган фикрларни айтганди.

Дарҳақиқат, бизда маҳалла тизимининг ўрни жамиятда алоҳида аҳамиятга эга. Маҳалла бошқаруви орқали биз шу ҳудудда яшайдиган одамларни бошқарамиз ва умумий маънода шу жамиятдаги аҳоли фаровонлигини таъминлашга ҳаракат қиламиз.

Маҳалла тизимини юритувчи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз вазифаларини етарли даражада бажара олмагани сабабли ҳам бу соҳага давлат бошқаруви жорий қилинди, яъни Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Лекин шу билан масалалар ижобий ҳал қили-

нятими? Тўғриси, бу масалада ҳозирча аниқ бир фикр айта олмаймиз. Чунки бу тизимдаги муаммолар тобора кўпроқ кўзга ташланмоқда.

Биз менталитет жиҳатидан ёши катта инсонларимизни, кекса нуронийларимизни қадрлаймиз, мураккаб вазиятларда уларнинг ўғитларига ва насиҳатларига қулоқ тутамиз, шунинг учун ҳам фуқаролар йиғинлари раислигига аксарият ҳолатларда, ёши катта инсонларни сайлаймиз. Шу билан бирга, бугунги тезкор ахборотлаштириш ва технологик тараққиёт даврида нима учун маҳалла тизимига, фуқаро-



лар йиғинларига ташаббускор, замонавий билимларга эга бўлган ёшларни жалб қилмаслигимиз керак?

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига кўра, айна вақтда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ла-

возимига номзодлар ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак. Бу моддадаги «ҳаётий тажрибага эга бўлиш керак» каби талаблар ёш кадрларни фуқаролар йиғинлари раислигига сайланишига йўл қўймайди.

Демокриманки, қа-

чонлардир фуқаролар йиғинлари раҳбари лавозимида фаолият юритиш учун хориж тилларини билган, ахборот технологияларидан яхши хабари бор, иқтисод, қишлоқ хўжалиги ёки шунга ўхшаш соҳаларда олий маълумотга эга бўлган, **25-30 ёшлардаги куч, ғайрат ва шижоатга тўла ёш кадрларга ҳам имкон бериш керак эмасмикан?** Мана, Наманганда Президент ташаббуси билан бундай тажрибага «старт» берилди. Хўш, бу ҳақда сиз қандай фикрдасиз?

Саидали
МУХТОРАЛИЕВ
юрист.

«ЁШЛАР ДАФТАРИ» ЖАМҒАРМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



«Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси. Энди эса...

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги «Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида туман ва шаҳарларда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Ёшлар ишлари агентлиги ахборот хизмати раҳбари Нодир Абдуқодировнинг маълум қилишича, давлат бюджетига келиб тушадиган қатор маблағларнинг бир қисми «Ёшлар дафтари» жамғармасига йўналтирилади. Қайд этилишича, ҳар чоракда Қорақалпо-

қистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) маҳаллий бюджетларида шаклланган қўшимча манбаларнинг камида 15 фоизи ушбу жамғарма ҳисобига ажратилади.

Жиноят натижасида давлатга етказилган зарар, давлат божлари, жиноий ва маъмурий жарималар, давлат фойдасига бошқа турдаги ундирувлар ҳамда давлат даромадига ўтказиладиган, олиб

қўйилган мол-мулкни сотишга оид ижро ҳужжатлари бўйича келиб тушган маблағларнинг ҳам бир қисми «Ёшлар дафтари» жамғармасига йўналтирилади.

Шунингдек, хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак маблағлари ва грантлари жалб этилади. Бундан ташқари, ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳам бўли-



МАЪЛУМОТ УЧУН:

Бугунги кунда, «Ёшлар дафтари» жамғармаларига 144,8 млрд. сўм миқдорида маблағлар шакллантирилган бўлиб, шундан 117,5 млрд сўм – ҳудудий ва маҳаллий бюджетларнинг орттирилган қисмидан, 26,6 млрд. сўм – мажбурий ундирувлар ҳисобидан ҳамда 710 млн. сўм. – ҳомийлик маблағлари ҳисобидан шакллантирилди.

ши мумкин.

«Ёшлар дафтари» жамғармаси юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари туман (шаҳар) ғазначилик бўлинмаларида алоҳида очилган шахсий ғазна ҳисобварақларида йиғилади ҳамда маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб ва ҳисоботлар туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳисобот бўлимлари томонидан юритилади.

Жамғарма маблағларидан «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ)нинг 4 бараваригача бир марталик моддий ёрдам ажратилади. Уруғ ва кўчатлар сотиб олиш учун БҲМ 8 бараваригача, асбоб-ускуналар ва меҳнат қуроллари сотиш олиш учун 40 бараваригача субсидиялар берилади. Контракт пулларининг 50 фоизигача, даволанишлари билан боғлиқ харажатларнинг эса БҲМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдорда қоплаб берилади.

Назаримизда давлат ва маҳаллий бюджетлардан, турли ундирувлардан шакллантириладиган бундай жамғармалардан кўра, давлат ёки маҳаллий бюджет маблағларининг мақсадли ва тўғри сарфланишини қаттиқ назоратга олиш

лозим. Негаки, бундай жамғармалар маблағларини ишлатишда турли коррупцион ҳолатлар учраётгани ҳам бор гап.

Мана, масалан, «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармасига ажратилган маблағлар ҳисоб рақамидан Марказий аппарати собиқ бош ҳисобчиси А.У. ўзининг шахсий пластик картасига («Давр банк» Юнусобод филиалидан очилган) 2020 йил 7 февраль куни 50 миллион сўм, 2 март санасида эса 150 миллион сўм ўтказган. Шунингдек, у ўзининг таъсислигидаги оилавий корхонасининг («Халқ банки» Зангиота филиалидан очилган) ҳисоб рақамига 21 июлда ҳеч қандай ҳужжатларсиз 991 миллион сўмдан ортиқ пулни ўтказиб, жами 1 миллиард 191,3 миллион сўм пулни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Шундай экан, мазкур жамғарма маблағларини мақсадли сарфланишини қаттиқ назоратга олиш шарт. Негаки, охириги пайтларда давлат бюджети маблағларини ўмариш оддий ҳолга айланиб қолмоқда. Гўёки, давлат хазинаси безга қолгандай.

Бу менинг фикрим, албатта.

Достон
РУСТАМОВ.

БИЛАСИЗМИ?

БҲМнинг ПҲБМдан қандай фарқи бор?



Базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ) ва пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори (ПҲБМ) ўртасида қандай фарқ бор?

Базавий ҳисоблаш миқдори: солиқлар, йўғимлар, жарималар, давлат божлари ва кўрсатилаётган давлат хизматлари учун бошқа тўловларнинг миқдорларини; тадбиркорлик фаолиятининг муайян тури билан шуғулланиш учун патент, лицензия ва бошқа тўловларнинг қиймати, ташкилотларнинг устав ва бошқа фондлари (капитали) миқдори, пулсиз шаклда тўланадиган акция-

лар, бошқа қимматли қоғозларнинг қиймати, юридик шахслар активларининг баланс қиймати, микрокредитлар ва лизинг, шунингдек, бошқа молиявий-иқтисодий кўрсаткичларнинг чекланган миқдорини аниқлашда қўлланилади.

Пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори: пенсия таъминоти

соҳасида пенсиялар, устамалар, қўшимча ҳақ ва компенсация тўловлари, шунингдек, ходимларнинг меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки улар ўзлари меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни қоплашда қўлланилади.

«РАҲБАР ИШДА БЎЛСА, ҲЕЧ КИМ УНДАН ОЛДИН КЕТМАСЛИГИ КЕРАК»

Бундан бир йил муқаддам айни шу кунларда меҳнат инспекциялари томонидан ташкилотларда белгиланган иш вақти тугагандан кейин ҳам бу ерда қолаётган ходимлар устидан рейдлар бошланганди. Ҳатто айрим вазирлик, ҳокимлик, солиқ, банк ходимларининг соат 18.00 дан сўнг иш жойини тарк этиши бўйича ички қарорлар қабул қилинди, иш вақти тугагач, компьютерлар ўчириб қўйилганди.

Бундай ҳаракат кўпчиликда ҳайрат ва баъзида тушунмовчиликлар уйғотгани ҳам бор гап. Зеро, бу иш йиллар давомида жамиятда шаклланиб улгурган «**Раҳбар ишда бўлса, ҳеч ким ундан олдин кетмаслиги керак**» деган тамойилга тескари эди-да. Қолаверса, иш вақтига риоя қилмаслик айрим катта-катта ташкилотлар, жумладан, ўзлари ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг ўзида ҳам мавжуд бўлган. Бироқ «Ўзимиз қабул қилган қонунларга ўзимиз ўзимизни алдамай амал қилишни бошладик», деб эрта қувонган эканмиз. Мана, орадан бир йил ўтиб, барчаси унутилди. **Вақтинчалик кампаниялар эса энди бошқа соҳаларда давом этмоқда...**

Энг қизиғи, юқоридаги ҳаракатлар Меҳнат кодекси бўйича

эмас, оғзаки топшириқлар орқали қилинди. Бу нима дегани, бу шуни англатадики, айни масалада кодекс қоидалари эмас, бугунгача раҳбарлар хоҳиш-истаклари ишлаб келган. Бошқача айтганда, бу билан ўзи кодексда шундоқ ҳам белгилаб қўйилган нормалар қандайдир буйруқда ёки фармойишларда яна қайта акс эттирилди. Аслида эса, **Ўзини ҳурмат қилган жамиятда меҳнат қонунчилигига амал қилиниши лозим.**

Мантиқан ўйлаб қаралса, жуда кўп масалалар ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишидан келиб чиқади. Мисол учун, иш вақтининг тайинсизлиги, яъни ҳар куни кечқурун соат 11-12 (ёки ундан ҳам кеч) гача ишлаш — фарзандлар тарбиясининг сушлашишига етаклайди, саломатликни-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Дам олиш кунларисиз ишлаш эса руҳий зўриқиш ва оилалардаги нотинчликларга етаклайди. Таътилсиз меҳнат, ўз навбатида, иш сифатининг кескин пасайишига олиб

келади.

Албатта, буларнинг барчаси биттада содир бўлмаслиги мумкин. Яъни фарзандлар бир кунда бетарбия бўлиб қолмайди, оилалар бир кунда ажрашиб кетмайди, бир кунда ҳамма жиноятчига айланиб қолмайди, лекин бу секин таъсир кўрсатувчи оғу вақт ўтиши билан жамиятни фалажлайди, охири-оқибат барибир салбий оқибат содир бўлади. **Ходимларнинг кадр-қиммати етарлича таъминланмаган жамият эса ривожланмайди.**

Мана, Россияни олинг, иш вақти якунида қўнғироқлар чалинади, автобуслар, хизмат машиналари эшик тагига етиб келади. Ҳеч ким нега кетяпсан, демайди. Ё бўлмаса, Буюк Британия, Италияни олинг, иш вақтига риоя қилиш алоҳида тузилмалар томонидан текширилади, ҳатто иш вақтидан кейин қолиб ишловчиларга жарималар солинади. Испания эса иш сифати, ходимлар руҳий саломатлигини ўйлаб, бир йўла иш ҳақиға таъсир қилмай-



диган тўрт кунлик иш ҳафтасига ўтмоқчи.

Хўш, биз қачон ўзгарамиз? Меҳнат қонунчилигида иш вақти бекорга 8 соат етиб белгиланмаган. Бу ҳар тарафлама психологлар, шифокорлар, социологлар томонидан ишлаб чиқилган. Ахир ўзингиз ўйланг, якшанба куни кеч соат 21-22 гача ишлаган ходим душанба куни қандай кайфиятда ишга келади, жума куни 18.00 да уйига кетиб, икки кун дам олган киши қандай кайфиятда келади? Икки ходимнинг иш унумдорлигини солиштириш қийин бўлмаса керак. Иш фақат вақт билан эмас, унумдорлик нуқтаи назаридан баҳоланадиган вақт келмадими?

Афсуски, ҳозирги шароитда бунга қонунчилик ҳам тартибга

солалмаяпти. Демак, бу вазиятда меҳнат инспекцияларининг иши ҳам **қисқа муддатли, кампаниябозлик асосида бўлмаслиги керак.** Бундай тадбирларни олиб бориш, ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун юқоридан топшириқ кутиб ўтириш шарт эмас. Шунчаки, рейдлар давомий бўлсин, у ходим бўладими, раҳбар бўладими, дунёқарашини ўзгартирмаяптими, маълум миқдордаги жарималарга тортилсин. Қачонки, **Меҳнат кодекси қоидаларига риоя қилинса, меҳнат қонун ҳужжатлари жойларда тўлиқ ишласа**, бу ўз натижасини бериши тайин.

Иброҳим
ПҮЛАТОВ.



МЕНДА САВОЛ БОР...

ИШ ВАҚТИДАН ТАШҚАРИ ҚАНЧА ИШЛАШ МУМКИН?

— Ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат қиламан. Смена асосида ишлаймиз. Бироқ буюртмалар ортиб кетгани туфайли икки-уч сменадан буён уйга рухсат беришмаяпти. Бундай ҳолат қонунчиликда қандай белгиланган?

Эльбурс
ИСМОИЛОВ.
Тошкент
вилояти.



**Зафар
РАҲМОНОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими:**

— Ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатидан ташқари ишлаш **иш вақтидан ташқари ишлаш** деб ҳисобланади. Қонунчи-

ликка кўра, ходим ўз розилиги билан иш вақтидан ташқари сурункасига **2 кун давомида 4 соатдан (меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда — 1 кунда 2 соат)** ва йилига **120 соатдан** ортиқ ишлаши мумкин эмас.

Масалан, агар ходим биринчи куни 4 соат иш вақтидан ташқари ишга жалб қилинган бўлса, эртаси куни ҳатто унинг **розилиги**

бўлган тақдирда ҳам уни бундай ишларга **жалб қилиш тақиқланади.** Иш сменаси 12 соат бўлганда, шунингдек, меҳнат шароити **ўта оғир ва ўта зарарли** ишларда иш вақтидан ташқари ишларга, ходимнинг розилиги бўлган тақдирда ҳам, йўл қўйилмайди. Қолаверса, ходимни сурункасига 2 смена давомида ишга жалб этиш **тақиқланди.**

БИЛАСИЗМИ?

Меҳнат низоси рўй берса...

Меҳнат низоси юзасидан судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

— **ишга тиклаш низолари бўйича** — ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;

— **ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш низолари бўйича** — зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;

— **бошқа меҳнат низолари бўйича** — ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой.

Ушбу муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилганда, бу муддатлар суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан **қайта тикланиши мумкин.** Ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун **муддат белгиланмайди.**

ТАШҚИ РЕКЛАМА МУАММОСИ ҚАЧОН ҲАЛ ЭТИЛАДИ?

Ремонт со-
товых, Скупка
золота, Аптека,
Салон красоти,
Салон оптики,
Минутка, Familiy,
Minimarket,
Supermarket, Duty
Free, Diet kafe,
Shopping complex,
Makro, Korzinka...

Бундай номларнинг
сон-саноғи йўқ. Уларни
кўриб, ўзингни гўёки
рус ёки инглиз давлат-
лари кўчаларида юрган-
дай ҳис этасан, киши.

Ана шундай муам-
моларни ҳал этиш
мақсадида Вазирлар
Маҳкамасининг 2021
йил 16 мартдаги «Сав-
до, ишлаб чиқариш
ва хизмат кўрсатиш
объектларига ном бе-
ришни такомиллаш-
тириш чора-тадбир-
лари тўғрисида»ги
қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, Тош-
кент давлат ўзбек тили
ва адабиёти универси-
тети ҳузуридаги Давлат
тилида иш юритиш
асосларини ўқитиш
ва малака ошириш
маркази ҳамда унинг
худудий бўлинмала-

ри томонидан **савдо,
ишлаб чиқариш ва
хизмат кўрсатиш
объектларига давлат
тилида ном бериш
(нейминг) хизмати
кўрсатилади.**

Мазкур ҳужжат
билан марказ ва унинг
худудий бўлинмаларига
давлат тили қоида ва
м еъёрларига мувофиқ
келадиган, миллий қад-
риятларга мос ҳамда
объектларга қўйиш тав-
сия этиладиган номлар
захирасини онлайн ре-
жимда уни доимий янги-
лаб бориш; ташқи ёзув,
пешлавҳа, реклама
ва эълонлар матнини
тайёрлаш, шунингдек,
уларнинг давлат тили
қоида ва меъёрларига
мувофиқлиги, ном-
ларнинг бир хил ёки

ўхшашлик даражаси
юзасидан лингвистик
экспертиза ўтказиш;
объектлар учун давлат
тилида номлар яра-
тиш ва танлаш бўйича
шартнома асосида хиз-
матлар кўрсатиш каби
кўшимча вазибалар
юкланмоқда.

Объектларга ном бе-
риш «Давлат тили ҳа-
қида», «Фирма номлари
тўғрисида» ва «Товар
белгилари, хизмат кўр-
сатиш белгилари ва то-
вар келиб чиққан жой
номлари тўғрисида»ги
қонунлар талабларига
риоя этилган ҳолда
амалга оширилади.

Қарор қабул қилини-
ши яхши, бироқ унинг
ижроси қандай бўлади?
Негаки, барча ҳужжат-
ларнинг натижадорлиги
айнан ижрога боғлиқ.



Бундан олдин ҳам
давлат тили – ўзбек ти-
лини ривожлантиришга
оид Президентнинг
«Ўзбек тилининг давлат
тили сифатидаги нуфу-
зи ва мавқеини тубдан
ошириш чора-тадбирла-
ри тўғрисида»ги фар-
мони асосида Вазирлар
Маҳкамаси ҳузурида
Давлат тилини ривож-
лантириш департаменти
ташкил этилганди.

Назаримизда, ушбу
департамент фаолияти
натижадорлигини ҳам
қониқарли, деб бўлмай-
ди. Чунки ҳамон ўзим
яшайдиган кўчанинг
номи Проектная, кўп-
лаб ташкилотлардаги
хат-ҳужжатларнинг ҳам
аксарияти рус тилида.

Баъзи давлат ташкилот-
ларининг электрон сай-
тига кирсангиз, аввал,
рус тилида, кейин танло-
вингиз асосида ўзбек ва
инглиз тилига ўтади.

Яна бир мисол,
пойтахтимиз марказида
жойлашган баланд би-
нонинг пештоқида кат-
та ҳарфлар билан NBU
деб ёзиб қўйилган.
Нима, бунинг ўзбекча
номи йўқми?

Энг муҳими, қарор ва
қонунлар қоғозда эмас,
амалда ишласа, ҳар
бир юртдошларимиз
қалбида тилга ҳурмат
ҳисси бўлса ижобий
натижаларга эришиш
мумкин. Йўқса, барчаси
қоғозда, гапда бўлиб
қолаверади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Кўчмас мулк неча кунда давлат рўйхатидан ўтказилади?

– Мен кўчмас мулк харид қил-
дим. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ-
ни рўйхатдан ўтказиш учун ариза
берганимдан сўнг неча кунда давлат
рўйхатидан ўтказилади?

Азиза ҚУРБОНОВА.
Тошкент шаҳри.

Дилором Ризаева,

Кадастр агентлиги етакчи мутахас-
сиси:

– Вазирлар Маҳкамасининг 2018
йил 29 декабрдаги «Кўчмас мулк
объектларига бўлган ҳуқуқларни
давлат рўйхатидан ўтказиш тар-
тибини такомиллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида»ги қарори
билан тасдиқланган «Кўчмас мулк
объектларига бўлган ҳуқуқларни
давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби
тўғрисида»ги низомнинг 14-бандида
«Рўйхатдан ўтказувчи кўчмас
мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқ-
ловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган
тақдирда, кўчмас мулкка бўлган
ҳуқуқларни ҳужжатлар келиб
тушган кундан эътиборан икки
иш куни давомида давлат рўйха-
тидан ўтказилади», деб кўрсатилган.

Олди-сотди шартнома нотариал
тартибда расмийлаштирилган тақдир-
да, ариза берилиши кадастр идоралари
билан ўрнатилган ўзаро электрон
тизим орқали нотариус томонидан
амалга оширилиши белгилаб қўйилган
ва амалда қўлланилиб келинмоқда.

ТИББИЁТ МУАММОСИ

НОТЎҒРИ ТАШХИСГА КЕТГАН ХАРАЖАТНИ КИМ ҚОПЛАЙДИ?

**Яқинда
қашқадарё-
лик бир дўс-
тимизнинг
отаси олам-
дан ўтди.
Узоқ йиллар
қандли диа-
бет касалли-
гидан азият
чеккан.
Дўстимнинг
айтишича,
бирор марта
на патронаж
ҳамшира, на
оилавий ши-
фокор ушбу
хонадондан
хабар олган.**

Яна бир ҳолат:
нишонлик Хадиса
исмли аёл тўсатдан
қон қайд қила бош-
лайди. Яккаю ёлғиз
ўғли уни зудлик
билан туман кўп тар-
моқли поликлиника-
сига олиб боради. У
ерда аёлга бир неча
бор қон қуйишиб,
ўзига келтиришади.
Шундан сўнг беморни
вилоят кўп тармоқли
шифохонасига олиб
боришади.

**Буни қаранг-
ки,** у ердаги Ҳаким,
Самандар исмли
«ақлли» шифокорлар
аёлга жигар циррози
аёлга жигар циррози
ташхисини қўйиб,
узундан-узун рўйхат
асосида келтирил-
ган дорилар билан
даволай бошлашади.
Туну кун онаси олди-
да ўтириб, яхшигина
қарз-ҳавола бўлган
йигит, натижа бўла-
вермагач, пойтахтга
йўл олади...

Энг даҳшатлиси,
Академик В.Воҳидов
номидаги Республика
ихтисослаштирилган

хирургия илмий-ама-
лий тиббиёт марка-
зида аёлга жигар
циррози эмас, ички
аъзо томирларда қон
қотиши ташхиси қў-
йилади ва шу ердан
шифо топади...

**Бу мисолларни
нега келтиряпмиз.**
Негаки, тиббиётга
оид қанча қарору
фармонлар, имтиёз-
лар яратилмасин,
олис ва чекка худуд-
ларда ҳамон ўша-ўша
ҳолат, аҳоли тиббий
хизматдан норози.
Дардмандлар эса
ўзинг учун ўл етим,
деб у ёқдан-бу ёққа
югургани-югурган.

Патронаж ҳам-
ширалар хизмати
ҳам ура-уралигича
қоғозда қолиб кет-
ди. Йўқса, патронаж
ҳамширалар, оилавий
поликлиника шифо-
корлари юқоридаги
инсонлар ҳолидан ха-
бардор бўларди, улар
ўз вақтида чуқур-
лаштирилган тиббий
кўриқдан ўтказилиб,
зарур муолажалар

қилинарди.

Энг ёмони, ҳамон
ташхис масаласи
муаммо. Касалликка
аниқ ташхис қўйил-
масдан даволаниш-
лар оқибатида кўплаб
беморлар кўшимча
касалликлар ҳам орт-
тириб олишяпти.
Аҳолини тиббий
хизмат билан қамраб
олиш даражаси ҳам
қониқарсиз. Аксарият
маҳаллаларда қиш-
лоқ врачлик пункт-
лари йўқ, борлари-
да ҳам шароитлар
ҳаминқадар, мутахас-
сислар ҳам муаммо.

Баъзи чекка худуд-
лардаги касалманд,
ҳомилдор аёллар,
ёш чақалоқларни
тиббий кўриқдан
ўтказиш учун 10-15
километр масофага
боришга тўғри келя-
пти. Масалан, Нишон
тумани «Кўксой»
маҳалласи аҳолиси
худудидида қишлоқ
врачлик пункти
йўқлиги сабаб, 8-10
километр узоқда-
ги поликлиникага

боришга мажбур. Бу
ерда ҳам аҳоли қам-
рови ниҳоятда кўп.
Шу боис патронаж
ҳамширалар ҳам он-
да-сонда болаларни
эмлаш учун келиша-
ди, холос.

Таклиф: чекка,
олис худудларда
ҳам зарур шарт-шар-
роит яратиб, тиббий
хизмат сифатини,
айниқса, тез тиббий
ёрдамни яхшилаш
лозим. Қишлоқ
врачлик пунктла-
ри сонини ошири-
ган ҳолда аҳолини
яқин худудлардаги
поликлиникаларга
рўйхатга қўйишни
қайта кўриб чиқиш
лозим. Патронаж
ҳамшираларга ҳам
зарур шарт-шароит-
лар яратган ҳолда
фаолиятини қаттиқ
назоратга олиш
керак.

Сизнинг худудин-
гизни билмадимиз,
лекин мен билган
манзилларда ҳамон
бу соҳа бир жойда
депсиниб тургандай.

Саҳифани Достон РУСТАМОВ тайёрлади.

АЙБ КИМДА?



Сиз кўриб турган мана шу суратдаги ёзувлар «ёш ижодкорларимиз» томонидан Жарқўрғон минораси деворларига битилган севги изтиробларидир.

Қаровсиз қолганда, дейсизми, йўқ. Давлат муҳофазасига олинган ушбу минора атрофи таъмирланиб, обод этилган. Миноранинг муҳофазаси ва ободлигига шу ерда яшовчи Ўрол Тўлаганов масъул экан (манзилга борганимиздан сўнг келган шахс ўзини шундай таништирди).

Бу ерда бир гуруҳ ёшларга ҳам кўзимиз тушди. Улар 21,6 метр баландликдаги минора тепасига чиқиб, темир-тўсиқ(кейин билдикки, тепадаги ушбу темир-тўсиқ жуда хавфли экан, етарли даражада мус-

таҳкамланмаган)ни ушлаб бақиршмоқда.

Ёшлар тепадан тушганча, масъулнинг минора деворидаги ёзувлар ҳақидаги фикри билан қизиқдик.


– Бу ёшлар ҳеч тушунмади-да, тушунмади. Қанча айтмай, барибир ёзиб кетаверади, – дейди ўзини **Ўрол Тўлаганов деб таништирган йигит.**

– Бу ёзувларни ўчириш ҳам бир машаққат. Энди бу қизил рангдаги ёзувларни керосин билан, оқ рангдаги ёзувларни эса қириб, ўчириб чиқишим керак. Энг ёмони, кечаси бу ерга турли одамлар келиб, спиртли ичимликлар ҳам ичиб кетишади.

Албатта, Ў.Тўлага-

нов шунчаки, минорага қараб турадиган қаровул эмас. У қилган хизматлари учун маълум миқдорда маош ҳам олади. Унинг айтишича, у бу ерга ташриф буюрадиган сайёҳлардан тушадиган (асосан, минора тепасига чиқишдан пул тушар экан) маблағларни «Халқ банки»га топширади. Шундан келиб чиқиб, унга маълум фоизи миқдо-рида пул тўлашади.

Минора тепасига чиқиш, **2 минг сўм** экан. Тўловни шу ерда ўтирган аёлнинг кўлига бериб, телефон фанори ёрдамида тор, қоронғу зинапоялар сари тепага кўтарилдик. Минора тепасига



чиқиб билдикки, тўсиқ-темир панжаралар жуда хавфли ўрнатилган, етарли даражада мустаҳкамланмаган.

Таклиф: аввало, Жарқўрғон минораси тепасидаги темир-тўсиқли панжарани мустаҳкамлаш шарт. Ҳудудга кузатув камераси ўрнатиб, минора деворларига ёзилмасин, деган огоҳлантирувчи баннер ўрнатиш керак. Шу

ерда хунармандчилик савдо дўкони йўлга қўйилса(бунинг учун шароит мавжуд), фойдадан ҳоли бўлмайди. Ушбу манзилга олиб борадиган йўлларни ҳам таъмирлаб, тарихий манзил борлигини кўрсатувчи белгилар ўрнатиш зарур. Қолаверса, мактаб, коллеж, олий таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари ўртасида бундай тарихий обидалар тарғиботи ва саёҳат қилиш маданиятини кенг йўлга қўйган ҳолда муайян бир кунни туризм куни, деб белгилаш лозим. Айнан ушбу кунда ёшларнинг ҳудудлардаги тарихий манзилларга саёҳати уюштирилади.

Р.ЮСУПОВ.

ФИКР

МАНТИҚСИЗ ТАРҒИБОТНИ КИМ ТЎҒИРЛАЙДИ?

«Тошшаҳартранс»га қарашли шаҳар автобусларидаги ҳолат: одам кўп, тиббий ниқоби бордан, йўғи кўп. Чиптачи шу тикилинчга қарамай, йўловчилар оралаб кезгани-кезган...

Буёғда эса касалланганлар сони ортапти. Секин-аста чекловлар ҳам қайта бошланди (айрим туманларда мактаблар онлайн таълимга ўтгани бунга мисол).

Ҳамма айб ўзимизда. Ниқоб тақиш, антицептик воситалардан фойдаланишни қанда қила бошлагандик. Мана натижаси. Ваҳоланки, бирон жойда карантин бекор қилинди, дейилмаганди. Қоғозда ҳаммаси ҳануз қатъий, амалда эса...

Ўзи бизда қоғоз билан амалиёт ҳеч қачон тўғри келмаган. **Юқоридаги расм 17-рақамли автобусда суратга туширилган.** Унда йўловчиларнинг нималарга амал қилиши лозимлиги келтирилган. Талаблар ҳам антиқа, унинг баъзи ўринларини мантиқан таҳлил қилиб кўрамиз:

***Транспортга ҳароратингизни ўлчаб чиқинг!**

Шунда ҳар ким ўзи билан шу қурилмани олиб юриши керакми ёки барча автобуслар ҳарорат ўлчагичлар билан таъминланганми? Уйдан ўлчаб чиқиши керак деб характерланса, йўловчи манзилга етиб олиш учун доим ҳам уйдан, иш жойидан чиқмайди-ку. Бир автобусдан-иккинчисига алмашиб юривчилар қанча, ахир. Иккинчи вариант тўғри бўлса, чекловлар юмшатирилган илк ойларда ҳам мен автобусларда бундай қурилмаларни кўрмадим. Агар энди бу амалиётга жорий қилинган тақдирда ҳам йўловчилар ҳароратини ким ўлчайди? Чиптачи битта бўлса, кунига неча минглаб одам автобусга чиқа-

ди, тушади. Автобуснинг кириш ва чиқиш эшикларига бундай қурилмаларни ўрнатиш эса анча-мунчага тушиши аниқ. Бу реал ҳолатнинг ўзиёқ йўловчиларга қўйилган мазкур талаб мантиқсизлик эканини кўрсатади.

Яна бир талаб эътирозли, «Ёнма-ён ўриндиқларга бир кишидан ортиқ одам ўтирилмасин» (жумла қурилишига эътибор қаратинг: «Ўтирилмасин» мажҳул нисбатидан «Ўтирманг» аниқ нисбати тушунарлироқ эмасми?).

Ўриндиқлар тугул, автобусда тикилинч бўлишига қарамай одам кутадиган ҳайдовчилар бу талабни ўқиб чиқишганми?

Йўналишли автобусларнинг оралиқ масофаси кам эмас, бунда истаймизми-йўқми одам кўп чиқади.

Таклиф: Агар масъул ташкилот чиндан ҳам карантин қоидаларига амал қилиш тарафдори бўлса, автобусларнинг ҳаракатланиш оралиқларини қисқартириши керак. Лекин шунда ҳам ёнма-ён ўриндиқларга ўтирилмасин, деган талаб ҳаракатда бўлмайди.

Жамоат транспортларидан фойдаланиш бўйича ўрнатилган талабларнинг ўзи мажҳул бўлгач, йўловчилар ҳам уни аниқ бажармайди-да...

Садоқат МАХСУМОВА.



МИЛИЦИЯ ЖИНОЯТЛАРНИ ЯШИРИШ УЧУН ИШЛАЙДИМИ?

Бугун тармоқларда Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида яшовчи 14 ёшли қизалоқни ўғирлаб кетиб, номусига текканлар жазога тортилмаётгани тўғрисидаги маълумотлар шов-шув бўляпти. Кўп бора такрорланаётган иддаолар орасида разил зўравонларни маҳаллий ички ишлар органи катталари ҳимоя қилаётгани ҳам айтиб келинмоқда.



Аввалроқ эса Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида ҳам шу каби воқеа содир бўлганди. Бу ерда репетитордан қайтаётган 16 ёшли қизалоқни мажбурлаб машинага миндириб, номусини паймол қилганлар жазосиз қолган. Ваҳоланки, қизнинг машинага зўрлаб миндирилаётгани кузатув камераларига тушган, қонга ботган кийимлари ички ишлар идораларига топширилган. Бу ҳолатда ҳам маҳаллий аҳоли зўравонларни ички ишлар ходимлари яшираётгани тўғрисида

чиқишлар қилишди. Ёз ойларида 16 ёшли қиз 53 ёшли эркекнинг зўравонлиги оқибатида фарзанд кўргани муҳокама қилинган эди. Яна ҳуқуқ идоралари эркакка нисбатан бирор чора кўрмаган. Мисолларни тўхтовсиз келтириш мумкин.

Юқоридагиларнинг барчаси вазиятга оммавий ахборот воситалари аралашганидан сўнг, ҳуқуқчилар томонидан эринибгина тергов қилина бошланди. Тармоқ фойдаланувчиларининг фикрича, зўравонлик ва бошқа оғир жиноятларни

рўйхатга олмасликка уриниш турли сабабларга кўра юз беради. Биринчидан, ҳуқуқ идораларининг коррупциялашгани бунга сабаб бўлади. Иккинчидан, танишбилишчилик ва учинчидан, энг асосийси, бу — статистикани ошириб юбормаслик мақсадида қилинади. Зеро, маҳаллий ички ишлар ва бошқа ҳуқуқ идораларининг вазифалари рўйхатига бевосита жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика ишлари ҳам киради.

Бундан мантиқсиз ҳолат — парадокс келиб чиқади. Яъни ҳудудларда қайсики ички ишлар ходими кўп жиноятчиларни қўлга туширса, демак, у яхши ишламаган. Профилактик тадбирларни керакли тарзда олиб борманган. Натижада зўравонлик, ўғирлик ва қотиллик кўпайган. Бу ходимни жазолаш, мажлисда изза,

мукофотдан маҳрум қилиш, жуда зарур бўлса, ишдан олиш керак. Жиноятларга кўз юмганлар, уларни рўйхатга олмаганлар эса профилактик тадбирларни ўз ўрнида ва самарали ўтказгани учун мукофотланса ҳам бўлади. Бу ўринда савол туғилади: ички ишлар ходимлари жиноятларни яшириш, статистикани пасайтириш учунгина ишляптими?

Шу ерда куни кеча Ички ишлар вазири Пўлат Бобожонов келтирган фактларга ҳам тўхталиб ўтсак. 2020 йилда ички ишлар ходимлари томонидан 134 та жиноят содир этилган, шундан 27 таси фуқаронинг ўлими билан тугаган. Қолган 107 та ҳолатда мансаб ваколатидан четга чиқиш, далилларни сохталаштириш, порахўрлик, фирибгарлик каби ҳолатлар аниқланган.

Юқоридагилар фақат маълум бўлиб қолган, мутлақо «оппоқ» дейилса ҳеч ким ишонмаслиги аниқлиги учунгина айтилган ҳолатлар, холос. Масала жиддий текширилса, мазкур рақамлар, эҳтимол ўнлаб, балки юзлаб марта ортиб кетиши мумкин. Муаммонинг илдизи ИИБ ходимлари вазифалари билан боғлиқ парадокслар ва кадрлар танлашдаги йирик камчиликлардир. Яъни ички ишлар тизимларига ҳеч бир маълумоти бўлмаган, армияни тамомлаган ёки бир ойлик армияга борган, аслида исмини тўғри ёза олмайдиган йигитчаларнинг кўплаб қабул қилингани билан боғлиқ. Бу муаммолар ҳал этилмас экан, милиция жиноятларни яшириш учун ишлашда давом этаверади.

Улуғбек
ИБОДИНОВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

ЭЪТИБОРСИЗЛИК САБАБ ТАЁҚ БИЗНИНГ БОШИМИЗДА СИНЯПТИ

Хонадонларни айланиб, аҳоли билан мулоқотда бўламиз. Уларни қийнаётган масалаларда ёрдам беришга, муаммоларини ҳал этишга қўлимиздан келганча фаолиятдамиз.

Бироқ баъзида турли мажлислар сабаб ҳудуддаги тўй-маърака ёки фавқуллода ҳолатларда иштирок эта олмай қоламиз. Бугун интернет бор, техника ривожланган. Янги топшириқларни телеграмдан бизга етказишса ҳам, ижросига киришаверамиз. Имкони бўлса, мажлисбозликни камайтиришса, яхши бўларди.

Маҳалламизда божхона пости бор. Юк олиб ўтилаётгандаги қонун бузилиши маҳалламиздаги жиноятчилик ҳолати сифатида қайд этиляпти. Бу ҳам

етмагандек, маҳалламизда жиноятчилик кузатилмаса ҳам қоғода унинг сони ортиб кетяпти. Боиси, аввал «Ёлланма» маҳалласи битта эди, кейинчалик ҳудуд катталиги учун «Соҳибкор», «Қир», «Дехқонобод», «Чиммачит», «Тиллатопган» каби йиғинларга бўлинди.

Бироқ ҳозир шу ҳудудларда содир этилган қонунбузилиш ҳолатлари ҳам бизни маҳалла ҳисобига ёзиляпти. Шу ҳисоб-китобларга кўра, маҳалламизда йил бошидан шу кунга қадар 19 та

жиноятчилик қайд этилган. Аслида, йиғинимизда ўтган йилнинг мартдан шу кунга қадар жиноятчилик кузатилмаганди. Ички ишлар органи ходимлари ҳуқуқбузар билан мулоқотда қаердансан дейишган. Орган ходими унинг аниқ манзилни суриштирмай, жиноятчиликни бизнинг маҳаллага расмийлаштирган. Агар ҳар бир тизим ходими ўз ишига масъулият билан ёндашса эди, ҳеч кимнинг бошида бесабаб таёқ синмасди.

Яна бир масала.



Ёшлар бандлигини таъминлашда қийинчиликлар бўляпти. Бўш иш ўрни топамиз, ёшларни иш шариоити билан таништиришга олиб борсак, улар бу жойда ишлашни хоҳламаслигини айтади. Афсуски, биронтасининг қўлида ҳунари йўқ.

Қани энди, маҳалламиз ёшлари учун касб-ҳунар ўргатиш тўғрисидаги йўлга қўя олсак. Санъат ва спортга иштиёқманд-

лари эса маҳалламизда «Маданият уйи» очайлик дейишяпти. Бу ишлар амалга ошса, маҳалламиз ёшлари ҳам ўзи истатаганини қизикқан йўналишда билим оларди, касб ўрганарди.

Абдуғофур
ПИРНАЗАРОВ,
Тошкент вилояти
Чиноз тумани
«Ёлланма»
маҳалла
фуқаролар йиғини
раиси.

МУАССИСГА ЁҚҚАН МАВЗУ ГАЗЕТХОНГА ЁҚМАСА...



Газета очкилик ва сўз эркинлигига эга бўлгандагина ўзининг асл вазифасини бажаради ва ўқувчисига хизмат қилади, унинг ишончини оқлай олади. Бу борадаги чиқишларнинг деярли ҳар бирида обунанинг ёмонлиги, босма нашрларнинг «ўлиб» бораётганининг бош айбори сифатида шу соҳада ишлаётган журналистлар кўрсатилади. Юзаки қарасангиз, бу фикрлар ҳақиқатга ўхшайди. Аслида ҳам шундайми?

Вазиятга чуқурроқ қарашга тўғри келади. Яхши ёзиш учун, аввало, ўта саводли ва малакали журналист кадрлар керак. Ҳисоблаб кўрилганми, мамлакатимизда нашр қилинаётган газета ва журналларда ишлаётганларнинг неча фоизи журналистлик мутахассисига эга? Мисол учун, бизнинг ижодий ходимлар сафи доимо ўқитувчилар ва

маданият ходимлари ҳисобидан тўлиб келди. Ҳозир ҳам 3,5 штат ижодий ходимнинг ҳаммаси ўқитувчи. Журналистикани тугатганлар туман газетаси таҳририятида ишлашни хоҳлашмайди. Радио ёки телевидениеда ишлаш, шаҳарларда яшашни маъқул кўришади.

«Газета ижодий ходимларининг ёзиши фақат ўзига боғлиқми?», деган саволга жавоб излайлик. Ҳар бир газетанинг ўз муассиси бор. Бу дегани, газета ижодий ходими муассис раҳбарининг қош-қовоғига қараб ишлашга мажбур дегани. Фақат шугина эмас, мажбурий обунага қарши оммавий кураш машмаси бошлангандан сўнг, газетачиликка янада қийин бўлди. Қаерга борсангиз, «Обуна мажбурийми?», «Шикоят қиламан» ва хоказо гапларни рўқач қилишади. Шу баҳона

муассислар ҳам ўзини обуна ташвишидан четга олишяпти. Ҳолбуки, обунани ташкил этиш муассис зиммасида.

Биз обуна билан йил давомида шуғулланамиз. Ростини айтсам, ижод қилишдан кўра, кўпроқ обунани топиш ва обуна пулини ундиришга вақтимиз кетади. Шунинг учун ҳафтасига 5 кун ўрнига 6 кун ишлаймиз. Ҳатто баъзан байрам кунларида ҳам газета иши билан шуғулланишга тўғри келади. Бунинг ишга ҳалақит берадиган айрим жиҳатлари бор. Биринчидан, мажбурий обунага қарши кураш соясида **ихтиёрий обуна ҳам барҳам топяпти.**

Энди оддий одамлар ҳам, зиёлилар ҳам ёппасига газета ўқишни четга суриб қўйишди. Баҳона тайёр: обуна мажбурий эмас!

Иккинчиси, бугун бирор ташкилотга

бориб, обуна бўлишни сўрасангиз, эртага у ташкилот «эшигини қандай қоқасиз?». Аниқроғи, одамларни ўқишга қизиқтирадиган мавзунини қандай ёзасиз? Ҳеч иккиланмай юзингизга қараб «Газетангизга обуна бўлмаймиз», дейиши аниқ. Газета журналистининг **бир томонида муассис, бир томонида обунани.** Ҳар иккисига ҳам у боғлиқ. Аниқроғи, қарам. Қолаверса, газета журналисти ҳам одам. У ейиши, ичиши, кийиши, бола-чақасини боқиб, кийинтириб, ўқитиши керак. Ҳозирги иш ҳақи уларнинг бозордаги харажатига қанчалик мос келади? Бу ҳолатдаги одам газетхон кутган қизиқарли мавзунини қаламга олишдан кўра, ҳозирги кунини ўтказиш имкониятини ахтариши аниқ! Ўзингиз ўйлаб кўринг, профилактика инспектори имтиё-

зининг неча фоизи журналистда бор?

Ана шунинг учун ҳам газетачилар икки олов ўртасида. Муассисга ёққан мавзу газетхонга ёқмайди. Газетхонга ёққан мавзу муассисга маъқул бўлмайди.

Яна бир масала. Бу журналист кадрларни қайта тайёрлаш билан боғлиқ. Мен 1998 йилда газета муҳаррири этиб тайинланган эдим. Шу ўтган йилларда бирор марта, ҳатто ўз ҳисобимиздан ўқишга таклиф қилишган эмас. Тепада туриб «Газеталар одамларни қизиқтирмаётгани учун улар обуна бўлишмаяпти», дея айбни газета журналистларига тўнкаётганлар бу ва бошқа муаммолар ечими ҳақида фикр юритсалар, жамиятимиз учун фойдали бўларди. Ахир «Бирлашган ўзар» деган ҳикмат бор-ку.

Муаммони ечиш

Учун нима қилиш керак? Кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтмоқчиманки, аввало, газеталар обуна нархини ҳозиргидан камида 2-3 баробар арзонлаштириш керак. Қандай қилиб дейсизми, газета қоғози билан шуғулланувчилар ва босмахоналарга, таҳририятларга, почтага имтиёзлар бериш йўли билан. Иккинчидан, ҳокимликлар нашрининг мансублик даражасини ўзгартирса бўлмайми? Ана шунда туман газеталари журналистлари ўзларини анча енгил ҳис қилиб, қаламлари ҳам ўткир, газеталар ҳам ўқимишли, обуналар ҳам кўп бўларди.

Раҳим МАҚСУДОВ, «Қизилтепа тонги» газетаси бош муҳаррири, Халқаро «Олтин қалам» миллий мукофоти совриндори.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ЮЗИМ ШУВУТ БЎЛМАСИН ДЕБ ИШДАН БЎШАМОҚЧИМАН...»

Айтиш лозимки, фуқаролар йиғини раисларига ўз ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли билан тизимли ишларни йўлга қўйиш, муаммоларини аниқлаш ва уларга ечим топиш, қолаверса, тадбиркорлик ва томорқа маданиятини ривожлантириш, одамлар ўртасида ўзаро ҳурмат, меҳроқибат муҳитини шакллантириш, умуман, барча соҳаларда маҳалланинг ичига кириб боришлари учун зарур шарт-шароит яратилди.

Муаммо: Аммо ҳамма жойда ҳам қабул қилинган қонун ва қарорлар тўлақонли бажарилапти, деб бўлмайди. Айни шу жиҳат бугун маҳалла фуқаролар йиғини раислари фаолиятига ҳалақит беряпти.

Мисол учун, ўзим раҳбарлик қиладиган «**Овчибулоқ**» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам яхши натижалар қаторида ечимини кутаётган муаммолар бор. **Биринчиси,** маҳалламиздаги Дўстлик кўчасида 170 нафар хўжалик бўлиб, шу кўчага трансформатор ўрнатиш лозим. Бунинг вилоят ҳокимига ҳам, туман прокурорига ҳам, сектор раҳбаримизга ҳам

айтганман.

Туман электр тармоқлари корхонаси 2020 йил декабрь ойида менга жавоб хати берган. Унда биринчи чорак якунига қадар муаммо ечилади, деб ёзилган. Мана, айтилган муддат келяпти ҳамки, ҳали бу борада бирор иш қилинмади. **Иккинчи муаммоимиз** Ойбек ва Пахтакор кўчаларимизга асфальт ётқизиш керак. Бу кўчалар «**Обод қишлоқ**» дастурига киритилган бўлса-да, дам у ташкилот, дам буниси йўлларни ўлчаб, чизиб кетаверади натижа йўқ. Маҳалла аҳолиси олдида уялиб қолдим. Бу муаммо бўйича ҳам секторга, ҳам

туман ободонлаштириш ва йўл қурилиш бўлимига алоқа хати билан мурожаат қилганман. Натижа йўқ.

Бизни қийнаётган яна бир катта муаммо, бу — солиқ йиғимларидир. Шунча юклама бўлса-да, яна солиқ йиғиб беришга мажбур бўляпмиз. Боз устига кунлик режа ҳам белгилаб қўйилди. **Ҳар кунини 2 миллион сўмдан йиғиб бермасак, кеч пайт эшитадиганимизни эшитяпмиз.** Ўзи аслида бу иш учун биз фақат кўмаклашимиз белгиланган. Қани энди шу асосда солиқ йиғишга кўмаклашасак. Афсуски, солиқчилар ишини биз қияпмиз. Агар кунини



Умиджон СУЛТОНОВ, Наманган вилояти Уйчи туманидаги «**Овчибулоқ**» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

га 700-1 000 000 сўм топширсак, режани бажармаган ҳисобланяпмиз.

Тўғриси, фуқаролар олдида юзим шувут бўлиб қоляп-

ти. Шу боис маҳалла раислигидан бўшамоқчиман. Режага кўра, малака ошириб, ўқитувчилик қилмоқчиман. Ўйлаб кўрсам, шу тўғри йўл экан.

ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИГА НОМЗОДЛАР ҚАНДАЙ САРАЛАНИШИ ЛОЗИМ?

Мукофот нима учун берилади? Албатта, қилинган хизматларни муносиб тақдирлаш, янада фаоллик кўрсатишга рағбат уйғотиш мақсадида. Биламизки, ҳар йили кўплаб юртдошларимиз давлат мукофотлари билан тақдирланади ва бошқа усуллар билан рағбатлантирилади. Хўш, бунинг натижасида одамлар ўртасида ижтимоий фаоллик кучаймоқдами?

Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашининг биринчи йиғилишида Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева давлат мукофотларини олган аёллар ўз ҳудудларида хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилишда ҳеч қандай самарали фаолият олиб боришмаётганини қайд этди. Жумладан, у: «Зулфия»чи қизлар бор, ҳар йили йўқ бўлиб кетяпти. Олади, йўқ бўлади, қум ичига сингиб кетади. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун давлат мукофотига номзодларни танлашда кейинчалик қиладиган иши натижа берадиган аёлларни саралаб олиш керак. Таниш-билишчилик

ёки чиройли кўриниши учун мукофот бериш керакмас», — деди.

Бу ерда Зулфия номидаги Давлат мукофоти назарда тутилаётган бўлсада, аслида умумий олиб қараганда ҳам аҳвол шундай. Тўғри, мукофотланган киши шунга яраша фидойилик кўрсатган бўлади, унга эвазига бирор-бир масъулиятли ишни зиммасига олиш шарт қўйилмайди. Аммо натижа сифатида шу мақсад кўзланади. Яъни нафақат мукофот соҳибларига, «фидо-корона меҳнат қилсанг, сен ҳам шундай ютуққа эришасан», деган маънода бошқаларга ҳам мотивация улашиши лозим.

Шунга қарамай,

бу борада акс ҳолат кузатилаётганига нима дейсиз. Ҳамма мукофот эгаларини бирваракайига масъулиятсизликка чиқариб қўйиш адолатсизлиги, бироқ натижа шундай бўляпти-да. Бошқа томондан олиб қараганда, орамизда жонкуяр ва юртпарвар инсонлар шунча кўп экан, нега ҳаётимизда муаммолар камаймаяпти, деган савол ҳам туғилади. Демак, Сенат раҳбари таъкидлаганидек, давлат мукофотларига муносиб номзодлар танланмаётган экан-да.

Эътироф этилаётган барча юртдошларимиз меҳнатини шубҳа олтига олмоқчи эмасмиз. Агар шундай қилсак, ҳалол, машаққатли



меҳнати, тиришқоқлигини намоён этиб мукофотланаётган инсонларга нисбатан ноҳақлик бўлади. Гап шундаки, улар сохта ватанпарварлиги, таниш-билишчилик ортидан тақдирланаётганлар соясида қолиб кетишмоқда. Бу соҳада адолат ўрнатиш мазкур вазифага масъул шахсларнинг хоҳишига боғлиқ. Бошқа ҳеч нарсага эмас. Зеро, икки хил тоифа кишиларнинг бирдек кўрилиши яхшилик ғалабасига

хизмат қилмайди.

Таклиф шуки, давлат мукофотларига номзодларни саралашда улар орасидан муносибини жамоатчилик фикрига асосланиб аниқлаш масалага ечим бўлади, бизнингча. Шунда жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган, ўз соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшаётган юртдошларимиз тақдирланувчилар сафидан кўпроқ ўрин эгаллашса, ажабмас.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

БАНДЛИК

БАНДЛИК МАРКАЗЛАРИГА НЕГА ИШОНЧ ЙЎҚ?

Ишсизлик — энг катта муаммолардан бири. Маълумотларга кўра, 2020 йилда Бандликка кўмаклашиш марказларига 1 миллиондан ортиқ киши иш сўраб мурожаат қилган. Бу дегани, ана шунча оиланинг иқтисодий кўрсаткичи яхши эмас. Мурожаатларнинг ҳаммаси ҳам ижобий ечимга эга бўлмагани эса яна бир масала. Чунки ўтган йилги карантин ҳолати жуда кўпчиликни иш ўрнидан айирди. Кўрсаткич эса янада ошгани кундай равшан.

Аммо энг ёмони, иш борасида нажот истаб борилган марказларда кўзбўямачиликлар ва алдовларнинг борлигидир. Айни пайтда иш ўрнининг ўзи йўқ бўлатуриб, шунча одамни иш билан таъминлаганмиз, қабилдаги сохта маълумотларнинг фош этилаётгани ҳам бор гап. Мисол учун, Самарқанд вилоятида иш билан таъминланганлик кўрсаткичи юритилган статистикага мутлақо тўғри келмаслиги, яъни кўрсатилган рақамларда

муман иш ўрни йўқлиги аниқланган.

Яна бир ҳолат — талон-торожлик билан боғлиқ. Яқинда Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Бухоро шаҳар бўлими томонидан ўтказилган терговга қадар текширувда Бухоро шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг мансабдор шахслари ва бошқалар олдиндан тил бириктириб, ўзлари ва яқин танишларининг номига 5 та хўжалик юритувчи субъектни ташкил қилиб, ишсиз фуқароларни пайвандлаш, тикувчилик ва сартарошлик касбларига ўқитилгани ҳамда уларга стипендиялар тайинлангани юзасидан ҳужжатларни сохталаштиргани, ишсиз фуқароларга ажратилган иссиқхона целлофанлари ва кўчатларни етказиб бермасдан 134,2 млн. сўм бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилгани аниқланган.

Хўш, бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин? Мана нима учун одамларда бандликка кўмаклашиш марказларига ва мутасаддиларга ишончсизлик қандай пайдо бўлаётганига жавоб. Ушбу «еб кетилган» миллионлар эвазига ҳеч бўлмаса, ўнта оила даромад кўриб, бир нечта киши ишли бўлиб қолмасмиди?! Бундай ҳолатлар бошқа вилоятларда ҳам йўқ эмас. Давлатнинг ана шундай масъулиятсиз мутасаддилар томонидан оёғига болта урилиши жуда катта фожиадир.

Аслида, бундай ҳолатлар учун жазо чораларини кучайтириш керак. Шундагина халқ ризқига кўз олайтириш камаярмиди? Ёнидаги юртдошининг иш излаб, сарсону саргардон бўлиши ёки хорижга чиқиб кетишига сабабчи бўлаётганидан виждони қийналармиди?

Нилуфар ЮНУСОВА.



БИЛАСИЗМИ?

«Участковой»ни ким тайинлайди?

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йл 17 мартдаги ПФ-6188-сон фармони билан бир қатор Президент ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ҳамда айримлари ўз кучини йўқотган деб топилди.

Президентнинг тегишли қарорига киритилган ўзгартиришларга кўра, профилактика инспекторини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш ички ишлар вазирининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари томонидан амалга оширилади. Илгари тегишлича вилоят бош бошқармалари бошлиқлари томонидан амалга оширилган.

Бундан ташқари, профилактика катта инспектори (ушбу лавозим мавжуд бўлмаганда профилактика инспектори) фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари вазифасини бажаради.

СОВУҚ ҚУРОЛ ОЛИБ ЮРИШ ҚОЛАТЛАРИ НЕГА ОРТМОҚДА?

Пойтахт ИИББ хабарига кўра, Тошкент шаҳри йўлларда тунги вақтда ўтказилган "Тиг" профилактик тадбири давомида жамоат жойида совуқ қурол олиб юриш билан боғлиқ 30 та факт аниқланди, яъни 25 та пичоқ, 2 та каскет, 2 та бита, 1 та пневматик милтиқ топилди. Бу нимадан далолат беради?

Кейинги пайтда ёшлар ўртасида содир бўлаётган пичоқбозлик ҳолатларига айна шу омил сабаб бўлмаяптими? Нега одамларда совуқ қурол олиб юриш истаги кучайяпти? 3 йилча олдин чемпион спортчининг кафедра ваҳшийларча пичоқлаб ўлдирилгани эсимизда. Ўшанда ҳам марҳум спортчининг кафе кўриқчилари билан тортишув чоғи ёнидан пичоқ чиқариб уларга ташлангани мудҳиш воқеага олиб келганди. Дарҳақиқат,

жаҳл чиққан пайтда ёнингда совуқ қурол бўлса, беихтиёр уни ишга солишинг мумкин. Бунга исбот сифатида яна қанча аянчли мисоллар бор. Шунинг учун имкон қадар кўчада тигли буюмларни олиб юрмаган маъқул.

Тўғри, кейинги йилларда фуқароларнинг ёнида қурол олиб юришига қонунан рухсат берилди. Бу хоҳлаган одам қурол воситаларини кўтариб юрсин, дегани эмас. Аввало, бунинг учун рухсат

олиниши ва сўралганда шу ҳақдаги ҳужжатни тақдим этиш лозим бўлади. Шунда ҳам баъзиларидан иложсиз вазиятлардагина ҳимоя воситаси сифатида фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд.

Юқоридаги ҳолатлардан кўринадики, одамларимиз, айниқса, ёшларимиз орасида совуқ қуроллар олиб юриш авж олмоқда. Эътибор бериш керакки, қурол бемақсад олиб юрилмайди, ўзининг зўрлигини кўрсатиш, бировларга қасддан



жароҳат етказиш фикри бўлади.

Бундай салбий ҳолатлардан қутулишнинг бирдан-бир йўли самарали назорат ва тарғиботдир. Биринчи навбатда, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигида мазкур йўналишда тизимли чора-тадбирлар йўлга қўйилиши лозим. Бу дегани барча масъулиятни таълим муассасаси ва маҳалла зиммасига юклаш

эмас, уларга ёрдам беришни англатади. Яъни ушбу муассасалар бажарувчи, жавобгар сифатида эмас, жараённинг бошқарувчисига айланиши керак. Зарур ўринда эса прокуратура, ички ишлар идоралари уларга кўмак бериш мажбуриятига эга бўлиши лозим.

Тўлқин
ШЕРНАЕВ.

МУНОСАБАТ

БИТИРУВЧИ ХАЛҚАРО МАЛАКА ИМТИҲОНИДАН ЎТА ОЛМАСА-ЧИ?

Xolis_nazar телеграм канали-мизда «Миллий дастур қабул қилиш керакмасми?» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, мавзу доирасида саволлар қолдирилганди. Мақоладаги ушбу саволларга Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги жавоб берди.

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги матбуот хизматининг таъкидлашича, Вазирлар Маҳкамасининг 25-июндаги 526-сон қарори билан тасдиқланган «Президент мактаблари тўғрисида»ги низомнинг 4-боб, 14-бандига мувофиқ, Президент мактабларида таълим жараёни умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳисобга олинган ҳолда, Кембридж университетининг Cambridge Assessment ташкилоти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ҳамда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ

амалга оширилади.

Президент мактабларининг 11-синф битирувчилари танланган фанлар асосида халқаро малака имтиҳонларини (International Advanced Levels) топшириш ҳуқуқига эга ва ушбу имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган тақдирда, етакчи хорижий олий таълим муассасаларига кириш имкониятини тақдим этувчи халқаро диплом оладилар.

Тахририятдан: Агентликнинг тезкор жавоби, матбуотга нисбатан муносабати бизни хурсанд қилди. Аммо шу ўринда асосий савол очиқ қолганини эслатиб ўтиш лозим. Яъни, айнан 11-синф битирувчилари танланган фанлар асосида халқаро малака имтиҳонлари (International Advanced Levels)дан ўта олмасачи? Унда ўзимиздаги олий ўқув юртига ҳужжат топширишга мажбур бўладими? Шундай ҳолатда тест имтиҳонларига улар қай даражада тайёр? Ахир тест саволлари умумтаълим мактаблари дастури асосида тузилган-ку?

Хайрулла
АБДРУҲМОНОВ



РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

КУНЛИК ТОПШИРИҚЛАР КЎП

Муаммо: Маҳалламизнинг идораси йўқ. Ҳозир Тошлоқ маҳалласидаги касб-ҳунар мактаби биносидан ўтган маҳалла «Маданият», «Тошлоқ» ва биз ижарада ўтириб-миз.

Бу ер маҳалламиздан анча узоқ, фуқаролар келиши учун қийин. Бинода ўтирсак низомий вазифаларимиз қолиб кетади, хонадонларни ўргана олмаймиз, маҳаллага чиқсак, бино олдида мурожаатчилар кутиб қолади.

Топшириқлар кўп, кунига 4-5 та ҳисобот жўнатишимизни талаб қилишяпти. Бироқ интернетимиз йўқ. Телефонимиз орқали қандай қилиб бўлмасин вазифаларни бажаришга ҳаракат қилияпмиз.

Бундан ташқари, **текширувлар ҳам кўп.** Кунни кеча бир масъул келиб, ишсизлик бўйича нима қилдингиз, деб сўраяпти. Аниқлаган муаммоларни айтсам, нега ишга жойлаштирмадингиз, дейди. Маҳалла тизимида 17 йилдан буён ишлайман. Бизнинг вазифамиз муаммони ҳал этиш эмас, масъул ташкилот ва аҳоли ўртасида кўп-рик бўлиш.

Биздан эса кредит олиш-бериш, иш билан таъминлаш, қўйингки, барча соҳалар бўйича ҳисобот сўрашади.

Биргина мисол, маҳалламизда ишсиз одамнинг ўзи йўқ. Фақат аксарият фуқароларимиз норасмий секторда ишлайди. Уларни расмийлаштиришда масъул ташкилот бизга кўмаклашиши керак-ку, ахир. Аслида, бу иш сеники, буниси меники, дейишга ҳаққимиз йўқ. Аммо тизимли ишланмаса, самара ҳам бўлмайди.

Таклиф: Маҳалла фаолларига кредитга бўлса ҳам хизмат машинаси берилса, ишимиз анча енгиллашарди. Боиси, ҳудуд катта, уни айланиб чиқиш, шошилинч вазиятларда муаммо жойига етиб бориш учун шароит бўлиши керак.



Шаҳноза МАТКАРИМОВА,
Тошкент вилояти Бўка
тумани «Ўзбек» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.

ФУҚАРО НЕГА

САРСОН-САРГАРДОН БЎЛМОҚДА?

Кейинги пайтларда ҳамюртларимиз орасида совет даврида хатолик билан ёзилган, ўзига маъқул бўлмаган исм, фамилия ва шарифларини ўзгартириш ҳолатлари кузатилмоқда. Шунингдек, «вич», «-ов», «-ев», «-ева», «-овна» қўшимчаларидан воз кечаётганлар ҳам бор.

Аслида бу ўзгартиришлар ўзбек тилида ёзилиши шарт бўлган қоидалар. Қонунимизда ҳам ҳар бир фуқаронинг исми, фамилия ва ота исмини ўзгартириши мумкинлиги, унинг тартиб-тамоийллари белгиланган. Бу жараён унчалик мураккаб ҳам эмас.

Бироқ бизга мурожаат йўллаган **Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани Қўшариқ кўчаси 33-уйда яшовчи Фуқаро Хуррам Аралов** икки йилдан буюн ўз фамилияси ва ота исмидаги «вич» қўшимчасини (Аралов эмас, Ороловга, Қаршиевич эмас, Қорши ўғли қилиб) ўзгартиришда сарсон-саргардон бўлаётганини айтмоқда.

Хўш, аслида бу тартиб қандай амалга оширилади? Ушбу саволга жавоб олиш мақсадида **Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигига мурожаат қилдик.**

– Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида боланинг исми, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқига эга эканлиги кафолатланган, – **дейди Давлат хизматлари агентлиги бўлим**



бошлиғи Исомиддин Латипов. – Хусусан, Оила кодексининг 69-моддасида болага исми ота-онанинг келишувига биноан, ота исми – отасининг исмига кўра берилиши, боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига қараб белгиланиши, ота-она турли фамилияларда бўлганда ота-онанинг келишувига биноан, болага отасининг ёки онасининг фамилияси берилиши, ота-онанинг хоҳишига кўра, болага ота ёки она томонидан миллий анъаналарга кўра бобонинг исми бўйича фамилия берилиши мумкинлиги белгиланган. Агар ота-она ўртасида боланинг исми ва (ёки) фамилияси бўйича келишув бўлмаганда, келиб чиққан низо васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этили-

ши кўрсатилган.

Шунингдек, Оила кодексининг 226-моддасида фамилия, исми ва ота исмини ўзгартириш тартиби ҳақидаги қоидалар ифода этилган. Унга кўра, фуқаронинг фамилия, исми ва ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги аризаси ўн олти ёшга тўлгандан кейин ўзи яшаб турган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан кўриб чиқилиши, фамилия, исми ва ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги хулоса ички ишлар органи томонидан ушбу шахс тегишлича текширувдан ўтказилгандан кейингина тузилиши мумкинлиги, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг фамилия, исми ва ота исмини ўзгартиришни рад этганлиги устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Фуқаро фамилия, исми, ота исмини Оила кодексининг юқорида қайд этилган 69-моддасида кўрсатилган талаблар доирасидаги ўзгартириши мумкин. Бундан ташқари, «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 15-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар, ўз миллатидан қатъи назар, ўз исмини, ота исми ва фамилиясини миллий-тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадирлар. Масалан:

«Шокиров Олимжон Одилжон ўғли» «Ҳамидий Комила Алишер қизи», «Умар Давлатбек Зокир ўғли», «Умарзода Фирдавс», «Дурсун Мадина Вейсал» ва бошқалар.

Шунингдек, Адлия вазирининг 2013 йил 31 декабрдаги 400-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органиларида иш юритиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага асосан, фамилия, исми ва ота исмини ўзгартириш учун ФХДЁ органига фамилия, исми ва ота исмини ўзгартириш ҳақида ариза билан мурожаат қилиниши, шу куннинг ўзида фамилия, исми ва ота исмини ўзгартириш ҳақида аризаларни рўйхатга олиш дафтарига кирим қилиниб, ариза ва тақдим қилинган ҳужжатлар ўзгартириш киритилиши лозим бўлган далолатнома ёзуви нусхаси билан алоҳида йиғмажилдга тартиб билан тикилиши ва ички ишлар органига текшириш ҳамда хулоса бериш учун юборилиши, ички ишлар органининг хулосасига асосан, ФХДЁ органи раҳбари томонидан фамилия, исми, ота исмини ўзгартириш (рад этиш) тўғрисида хулоса тузилиши, тегишли (туғилганлик, никоҳ тузилганлиги ёки никоҳдан ажралганлик, 16 ёшга тўлмаган болаларнинг туғилганлик ҳақидаги) далолатнома ёзувларига ариза берувчининг янги фамилия, исми, ота исми киририлиши, улар асосида янги гувоҳномалар берилиши, шунингдек, фамилия, исми ва ота исмини ўзгартирган тартибда давлат божи ундирилиши кўрсатиб

ўтилган.

Шу билан бирга, агар шахс исмига «-хон», «-хўжа», «-хожи», «-бек», «-бону», «-биби», «-бегим», «-зода», «мир-», «абду-» қўшимчаларини, ота исмини ёзишда «-евич», «-ович», «-евна», «-овна», «қизи», «ўғли», «-ий», «-зода» қўшимчаларини киритишни ёки шу каби қўшимчаларни олиб ташлашни истаса, бу ҳолат шахснинг ёшидан қатъи назар, далолатнома ёзувиге қўшимча киритиш йўли билан амалга оширилади. Фамилия, исми ва ота исмини ўзгартириш вояга етмаган фарзандларнинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувларига тегишли ўзгартиришлар киритилишига олиб келади.

Кўриниб турибдики, бу жараён унчалик ҳам мураккаб эмас. Негадир бизга мурожаат қилган фуқаронинг бу борадаги иши резинадек, йиллаб чўзилиб келинган. Мурожаатчининг айтишича, тегишли ташкилотларнинг баҳоналаридан бири, отасининг вафот этгани экан. Бироқ у яқинда аёлининг отаси вафот этган бўлса ҳам фамилиясини ўзгартирганини айтмоқда.

Назаримизда, тегишли ташкилотлар ушбу фуқарога ёрдам беришни истазмаётгандай. Негаки, ФХДЁ органи фуқаро аризасини ички ишлар органига текшириш ҳамда хулоса бериш учун юбормаган экан. Президентимиз айтганидек, «**Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак.**».

Рустам ЮСУПОВ.

МЕНДА САВОЛ БОР...

БИСМИЛЛАҲНИ БИТТА АЙТИБ, 1000 ТА ТОВУҚ СЎЙИШ МУМКИНМИ?

– Бизларда товуқ фермаси бор, гўштга мўлжалланган. Сўйганда Бисмиллаҳни битта айтиб, 1000 тасига бағишлаш мумкинми?

– Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Замонамиздаги машҳур уламолардан муфтий Мухаммад Тақий Усмоний ҳафизаҳуллоҳ айна шу масалада узоқ изланишлар олиб бориб, битта «бисмиллаҳ» билан бир нечта ҳайвонларни сўйиш жоиз эмаслигига фатво

берганлар («Бухус фи қазоя фикҳия муъосира» китоби). Демак, ҳар бир жонлиқ сўйилаётганда алоҳида «бисмиллаҳ» айтиш керак бўлади. Валлоҳу аълам.

Ўзбекистон муслмонлари идораси Фатво ҳайъати

СИФАТСИЗ ЎЙИНЧОҚЛАР

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ САЛОМАТЛИГИ

УЧУН ЖИДДИЙ ХАВФ

Деярли барча ота-оналар фарзандларига пластик ёки резина шаклидаги ўйинчоқлар харид қилишади. Ҳатто 5-6 ойлик чақалоқлар қўлида ҳам турли шакл, юмшоқ ва қаттиқлик даражасига қараб резина ўйинчоқлар борлигига гувоҳ бўламиз. Чақалоққа резина ўйинлар бериш мумкинмас, десангиз, тиши чиқяпти шекилли, шу резинани тишлаб овунади, деган жавобни оласиз...

Билмайдики, резина ёки пластмасса шаклдаги ўйинчоқларнинг аксарияти инсон саломатлиги учун зарарли. Бу борада «Ўзстандарт» агентлиги ҳам ёш оналарга жиддий таҳдидли «ПЛАСТИК ЎЙИНЧОҚ»-лардан огоҳ бўлишга чақирмоқда.



Масалан, Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган мана бу «Music Lollipop» деб аталувчи маҳсулот батареяда ишлайдиган лоллипоп-ширинлиги кўринишидаги ўйинчоқдир. Ойначали картон қутида ўралган ушбу ўйинчоқнинг хавфли томони шундаки, ўйинчоқ дастаги жуда узун ва ёш

бола дастакни оғзига солиб тикилиб қолиши мумкин. Қолаверса, ушбу маҳсулот ўйинчоқлар хавфсизлиги тўғрисидаги кўрсатма ва тегишли Европа стандарти EN71-1 талабларига жавоб бермайди.

Чиройли соч турмакли ва турли хил рангли кийим ва тўқилган гуллар билан безатилган мана бу пластмас қўғирчоқ ҳам жиддий хавфга эга маҳсулот. Ўйинчоқда майда қисмлар бўлиб, улар осонликча олинади. Шу боис ёш бола уларни оғзига солиб, тикилиб қолиши



мумкин. Бундан ташқари, ўйинчоқда ўткир кесувчан қирралари бўлиб, қўлни кесиб олиш мумкин. Маҳсулот Шахсий ҳимоя воситалари тўғрисидаги директи ва тегишли Европа стандарти EN71-1 талабларига мувофиқ эмас.

Таъминотчиси Хитой бўлган мана бу ўйинчоқ ҳам кимёвийлиги ва бўғилиши билан



хавфли. У тугмача кўринишидаги батареялар билан ишлайдиган LED диодли чироқларига эга оху шохлари кўринишига эга. Батареялар бош тасмасининг ўртасида юрак кўринишидаги пластик идишда жойлашган. Маҳсулотнинг батарея

солинган қисмини осонликча очиш ва майда батареяларни олиш мумкин. Ёш бола уларни оғзига солиб, ютиб юбориши мумкин. Бу эса боланинг ошқозон ичак трактасига зарар етишига олиб келади. Маҳсулот ўйинчоқлар хавфсизлиги тўғрисидаги директива талабларига ва тегишли EN 62115 стандарти талабларига мувофиқ эмас.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ачинарлиси, мазкур ўйинчоқлар бозорларимизда турли савдо дўконларимизда тўлиб-тошган. Шу боис ота-оналару фарзандларимизда ҳам танлов деярли йўқ.

Хўш, унда нима қилиш керак? Назаримизда, аввало, бундай сифатсиз ўйинчоқларнинг юртимизга кириб келишига чек қўйиб, савдосини қаттиқ

МАЪЛУМОТ УЧУН:

Соғлигингиз учун хавфли ва сифатсизлиги аниқланган маҳсулотлар тўғрисида **control.standart.uz** ҳаволаси орқали батафсил танишиб боришингиз мумкин.

назоратга олиш керак. Бу борада ўзимизда ишлаб чиқарилаётган турли резина ва пластик ўйинчоқлар сифатини ҳам бир ғалвирдан кўтариш зарур.

Миллий қаҳрамонларимиз ва миллий бренд маҳсулотларимиз шаклида яратиладиган хавфсиз ва сифатли ўйинчоғу қўғирчоқлар зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг савдосига кенг имконият яратиш лозим.

Шундай экан, сифатсиз маҳсулотларни сотиб олишда эҳтиёт бўлинг, у Сиз ва фарзандларингиз саломатлиги учун жиддий хавф туғдириши мумкин.

Рустам ЮСУПОВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

МАСЪУЛ КОТИБ ВА ПОСБОННИНГ ЎРНИ СЕЗИЛЯПТИ

Бугунги кунда маҳалла тизимига эътибор кучайтирилгани билан бирга, соҳага доир иш ва масъулия ҳам икки карра ошган. Кундалик ҳаётга эътибор қаратсак, маҳалла раиси ҳақида бирон-бир фикр айтмаган кишини учратмаймиз. Чунки раис доим эл назарида туради. Демак, раис ўша нигоҳларни унутмаган ҳолда ўз ишини сидқидилдан бажариши лозим.

Маҳалла шундай масканки, у ҳамма соҳани ўзига жамлайди. Оилалардаги ажримлар, ижтимоий ҳимоя, кредит масалалари, иш билан таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳоказолар. Шунга яраша маҳалла раисига топшириқлар ҳам кўп. Бунинг барчасини удалаш, баъзан қийинчилик туғдиromoқда. Мисол учун, битта оилавий можаро туфайли кун бўйи ўша хонадонда қолиб кетадиган вақтларимиз ҳам бўлади. Бу

эса талаб этилаётган маълумотлар ёки жадвалларни тўлдириб беришда кечикишларни келтириб чиқаради. Бир кунда иккита ёки учта хонадондан мурожаат келиб қолиши ҳам мумкин. Шундай ҳолатлар бўладики, қайсидир ташкилотдан ҳам келиб, маҳалладаги оилаларга бирга кириб чиқайлик, дейди. Бу манзара эса ҳар куни такрорланади.

Таклифим: маҳаллада иш кетиши ва ривожланиши учун масъул котиб ва посбон

штат жадвалининг қайта тикланишини истардим. Биргина посбон дафтарини юритиш ҳам хозир муаммо. Бугунги кунда иш жараёнида уларнинг ўрни сезиляпти. Маҳалла раиси уч киши учун ишлаётгандай гўё. Айни дамда нафақа бўйича ҳам мурожаатлар кўпайган. Ҳужжат юритишнинг ҳаммаси маҳалла раисининг ўзига қолиб кетган.

Шунингдек, жамоатчилик асосида ишлайдиган маҳалла фаолларини ҳам рағбатлантириш чораларини ўйлаб

қўриш керак. Чунки ҳар қандай маҳалла ўз ҳудудидаги фаолларга суянади. Кўп масалаларда улар билан муаммолар ҳал этилади. Агарда ана шундай фаоллардан ҳам танлаб олинб, маош бериладиган қилиб қўйилса, нур устига нур бўлар эди. Чунки ҳамкорликда қилинган ишлар ўз самарасини кўрсатмоқда.

Яна бир гап: маҳалла ходимларини олий ўқув юртига тавсиянома асосида қабул қилиниши бугун-



Назокат ОЧИЛОВА, Самарқанд вилояти Пайриқ тумани «Гўзал» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ги кундаги энг катта муаммо учун ижобий ечим бўлди. Чунки раислар тавсия қилинган ёки сайланаётган вазиятда уларнинг ҳаётий тажрибалари эмас, балки маълумоти ҳам биринчи ўринга қўйилмоқда. Ишончим комилки, айни дамда олий маълумотли бўлиш иштиёқида турган маҳалла раисларимиз йўқ эмас.

АЛИМЕНТЧИ ОТАЛАРГА: ФАРЗАНДНИНГ «СОБИҒИ» БЎЛМАЙДИ!

Яқинда «230 мингдан зиёд алимент олувчиларнинг пластик карточкалари тайёрланиб, ўз эгаларига етказилди», деган хабарни ўқиб қолдим. Демак, 230 минг нафардан ортиқ қоракўз оталик меҳридан мосуво. Тенгдошлари орасида эгни қисилган, болалик деб аталмиш хаёти бир зумда катталардек фикрлашга ўргатиб қўйган гўдаклар. Бизда деярли тўқсон фоиз ҳолатда бола онаси билан қолади. Демак, бу бор оғирлик аёлнинг гарданига тушади, дегани. Ажралишдан кейинги энг катта жараён — алимент можаросидир.



Алимент масъулиятсиз ота-оналар туфайли юзага келадиган ҳолат. Ажрашишнинг бор жабр-ситамагини эса мурғак қалблар бошидан кечиради. Аслида, оила аталмиш кўрғонни сақлаб қололмаган ота-онанинг фарзанди учун тўлайдиган товонида ҳисоб борми? Балки улардан бири қонун доирасида боланинг моддий таъминоти учун белгиланган миқдордаги маблағни ойма-ой тўлаб ҳам бераётгандир. Аммо мурғак қалбга етган озор, катталарнинг хатоси туфайли дарз кетган митти кўнгил товонида ўлчов топиш мумкинми?

Оила кодекси-га мувофиқ, вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир, алимент тўлови улардан бири томонидан иккинчисига, яъни вояга етмаган бола тарбияси билан шуғулланаётган шахснинг фойдасига ундирилади. Афсуски, айрим оталар алимент тўлаш бора-сида бош қотиришни ишташмайди. Баъзилар эса «Алимент пулини боламга эмас, ўзига сарфляпти, шунинг учун тўламай қўйдим» деган важни ҳам кўрсатади. Уларнинг ўз ақидаси бор: «ажралишни хоҳлади, жавобини бердим, энди улар

менга бегона, тинч қўйишсин».

Бундан ташқари, айрим оталар ҳеч қаерда ишламаётганини рўқач қилиб, даромади бўла туриб ҳам фарзандига алимент тўлашдан бўйин товलाшади. Аммо фарзанднинг ҳам бегонаси, собиғи бўлармикин? Ҳар қандай вазиятда ҳам фарзанд отанинг зурриёти, унинг авлоди давомчисидир. Бугун собиқ аёлидан аламзадалиқ оқибатида оталик бурчи ва масъулиятини унутётганлар бу ҳақиқатни англаши лозим. Онасининг, тоғаю холасининг қўлига қараб, тенгдошлари ичида қисиниб-қимтиниб вояга етаётган гўдакларнинг ошовқатию, уст-боши деган масалалар кўндаланг турганини ҳисобга олсак, кечиктириб тўланган ёки ундириб берилган алимент пуллари улар уйига бахтиёрлик, қувонч олиб кирмайди барибир!

Чойхонани, улфатчиликни, сўнги русумдаги телефону машинани ўзига эп кўрган оталар орасида ўз пуштикамаридан бўлган боласи таъминотига келганда жим қоладиганлари ҳам кам эмас. Шу жиҳатдан қараганда, ўз боласига оғриниб ёки мажбурийдан моддий кўмак бераётган алимент тўловчилар виждони олдида қандай жавоб берар-

кан? Нима бўлганда ҳам қонун барчага баробар, қолаверса, ота-она қарори билан «ярим етим»га айланган бола вақти келиб жамиятда ўз ўрнини топиши учун бугун етарли таъминотга эга бўлиши керак. Ёлғиз онанинг бунга имкони етмаслиги барчага ойдай равшан.

Афсуски, кейинги пайтда алимент тўламаслик учун минг бир баҳонани рўқач қилган оталар жиноят қилишгача бормоқда. Ўтган йили алимент тўламаслик учун ўз боласини анҳорга оқизиб юборган ота, яқиндагина алимент можароси туфайли қайнотасини ўлдириб қўйган куёв, алимент деб мурожаат қилса, ўлдириш билан таҳдид қилган эр — бу каби мисолларни ўнлаб келтириш мумкин. Бола матоҳидики, ота-оналар уларни истаган куйига солишса? Ота ўз масъулиятини ҳис этса, бундай хунук фожиалар содир бўлмасмиди? Аслида, алимент ундириш ёки у билан боғлиқ муаммолардан ҳам олдин ажралишлар, оилаларни қандай қилиб бўлса-да, сақлаб қолиш борасида амалий ишлар қилиш вақти келди. Бунинг учун барча бирдек масъулият билан ёндашиши керак.

Нилуфар БАХТИЁР
қизи.

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Март ойи ногиронлиги бор, имконияти чекланган фуқароларимиз учун қатор янгиликларга бой бўляпти. Масалан, ой бошида Президентимиз паст даромадли оилаларга уй-жой олиш учун 10 фоизлик субсидиялар берилиши кўзда тутилаётгани тўғрисида гапирганди. Албатта, бундай оилаларнинг катта қисми ногиронлиги бўлган аъзоси бор хонадонлар ҳисобланади. Демак, бу имкониятдан фойдаланиши мумкин.

ЯНГИ МУКОФОТ «ЗУЛФИЯ»ГА ЎХШАБ ҚОЛМАЙДИМИ?



15 март куни эса Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева Зулфия номидаги Давлат мукофоти ташкилотчиларини танқид қилар экан, эндиликда имконияти чекланган аёллар учун алоҳида махсус танлов ташкил этилиши тўғрисида баёнот берди. Раис жамоатчиликдан танлов тартиблари, Низомини ишлаб чиқиш, ном танлаш жараёнида фаол иштирок этишни сўради.

Ҳақиқатан ҳам, юртимизда ногиронлиги мавжуд, аммо соғлом одамдан-да гўзал ишларни амалга ошираётган аёллар кам эмас. Масалан, яқинда тармоқларда Фарғона вилоятидан асаларичилик билан шуғулланиб, катта даромад топаётган шундай фуқаро ҳақида маълумотлар берилди. Асли биринчи гуруҳ ногирони бўлган қиз ўнлаб соғлом инсонларни иш билан таъминлаган. Бундан ташқари, ижодкорлар ҳам талай. Рассомчилик, адабиёт, ҳунармандчилик ва ҳоказолар билан шуғулланадиганлар кўплаб топилади. Тўғриси айтилган, бу хотин-қизларнинг ижоди аксар «Зулфия»чиларниқидан ортиқ бўлса, ортиқки, ҳеч кам эмас.

Таъкидланганидек, мукофот имконияти чекланган аёл ва қизларга руҳий мадад, эътироф, янги марраларга ундов бўлади. Шубҳасиз, мукофотнинг моддий рағбат томони ҳам жорий этилса керак. Моддий кўмак ҳам ногиронларга асқотиши турган гап.

Бу ташаббусни ҳеч ким ёмонлай олмас керак. Аммо барибир қатъий назорат талаб этилиши тайин. Зеро, ногиронлар улушига кўз олайтирган кимсаларга ўтган йилларда кўп марта гувоҳ бўлдик. Масалан, Андижонда туман хотин қизлар раҳбари соғлом онасига ногиронлар учун мўлжалланган уйни расмийлаштириб бергани, ўтган йили қарантин пайтида кўмакларнинг талон-тарож қилингани, гўёки оғир касалларнинг даволаш учун хайрия йиққан гуруҳларнинг кирдикорлари ва ҳоказолар тармоқда муҳокама қилинди. Демак, янги ташкил қилинадиган танловдан ҳам фойдаланиб қолиш истагида бўлган шахслар, албатта, йўқ эмас.

Имконияти чекланган аёллар ўртасида ўтказиладиган танлов кимларнингдир кўнглини ўқитмаслиги, ижоддан, ҳаракатдан тўхтатмаслиги ва энг муҳими, яна бир «Зулфия»га айланиб, юртимиз аёлларини кўп марта уялтириб қўймаслик шарт.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

ЖАЗОДАН ҚЎРҚИШ ҲИССИ КАМАЙИБ БОРМОҚДА

Жиноятчилик ортиб бораптими-йўқми, буни оддий таҳлил билан пай-қаш қийин. Масалан: жамиятимизга кириб келган сўз эркинлиги натижасида барча ОАВлар келишиб олгандек, бири-бирдан даҳшатли жиноятларнинг батафсил таърифни эълон қила бошлади.

«Пайариқда 14 ва 8 ёшли болаларни ўлдириб, ёқиб, ҳовли-сига кўмиб қўйган аёл қўлга олинди», «Вояга етмаган қизалоқни таҳқирлаган шахслар жазога тортилмаяпти», «Тошкент вилоятида 60 ёшли такси ҳайдовчиси 42 марта пичоқлаб ўлдирган йигитга ҳукм ўқилди», «Наманганда маҳалла раисига суиқасд қилинди» ва ҳоказо.

Юқоридагилар атиги бир неча кун ичида ОАВда эълон қилинган энг шов-шувли жиноятлар рўйхати. Тинимсиз ёғилиб турган бу каби ахборотлар оғушида мамлакатда жиноятчилик кескин ошиб кетди, деган хулосага келиш мумкин. Статистика ҳам, аввалги йиллар билан солиштирганида буни тасдиқлайди. Аммо...

Аммо мазкур қиёсга ҳам тўлиғича ишонишни тавсия этмасдим. Статистик ахборотларнинг тўғри эълон қилиниши юзасидан ўтган йилги халқаро рейтингларда юртимиз юқори ўринларни қўлга киритиб, МДХ давлатлари орасида биринчи ўринни эгаллаган бўлса-да, бу аввалги

йилларда, айниқса, 5-6 йил илгари статистика бизда нотўғри юритилганининг ҳам исботи бўлиб хизмат қилади. Демак, бугунги рақамларни илгариги йиллар статистикасига қиёслаш, бундан бирор хулоса ясаш нотўғри. Жиноятчилик ошганми-йўқми, буни алоҳида услублар орқали таҳлил қилиш лозим.

Шунга қарамай, бир нарса аниқ. Жамиятда қонуний жазолардан қўрқиш ҳисси камайиб бормоқда. Амнистия, афв, энгиллаштирувчи, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар, афект, зарарни қоплаш тушунчалари кенг қўлланилаётгани, айрим ҳолларда, ҳатто қотиллар, номусга тажовус ва оғир жиноятлар ҳам юқоридагилардан бирига тиқиштирилаётгани, ниҳоят тергов ва суд жараёнидаги «келишувлар»нинг мавжудлиги анча-мунча айбланувчига қамоқдан қўтилиб қолиш имконини беряпти.

Бундан ташқари, судлар ихтиёрида жарима, муаян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари,



озодликни чеклаш, энгилроқ жазо тайинлаш каби қамоққача бўлган жазо турларининг мавжудлиги ҳам баъзан оғир жиноятларни содир этганларга қўл келиб туради.

Энг ачинарлиси, оғир жиноят содир этиб, жазодан қўтилиб қолганларнинг тирик мисоллари ҳам бор. Масалан, икки йил илгари шов-шув бўлган тиббиёт коледи ўқувчисининг қотиллари бугун очикда, ҳамманинг кўз олдида бемалол юрибди. Коррупцион жиноятлар учун судланганлар, тергов қилинган, аммо сувдан қуруқ чиққан собиқ мансабдорлар, деярли барчамизнинг танишларимиз орасида бор.

Бундан ташқари, айрим жиноятлар учун жазоларнинг ўзи энгил. Масалан, Жиноят кодексига кўра, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси ваколатлари доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни, жиноий гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этиб, фуқаролар ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказадиган бўлса базавий ҳисоблаш миқдорининг **уч юз бараваридан олти юз бараварига-ча** жарима ёки муаян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, **икки йилдан беш йилгача** озодликни чеклаш ёхуд **беш йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

Жараёнда суд ҳукмининг озодликни маҳрум қилишгача бориши амримаҳол. Чунки прокурор кўпи билан 5 йил қамоқ сўраши мумкин. Адвокат эса бошқа энгилроғини талаб қилади. Судья иккаласининг

ўртасидаги ниманидир танлайди. Ўртада эса жуда кўп миқдорда зарар етказган мансабдор учун жазо ҳам деб аташ қийин бўлган қуруқ гаплар бор, холос. Бу каби мисолларни қонунчилигимиздан яна кўплаб келтира оламиз.

Оддий халқ орасида «икки йил ўтириб чиқади, кейин мазза қилиб яшайди», дейилади бирор каттароқ ўғри қўлга тушганида. Ва кўпинча ҳақ бўлиб чиқади.

Юқоридагиларни инсонпарварлик нуқтаи назаридан оқласа бўлар. Аммо жамиятда кун сайин илдиш отаётган жазодан қўрқмаслик ҳисси ҳам оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслик лозим. Инсонпарварлик масаласида олтин ўрталик танланса мақсадга мувофиқ бўларди.

Комрон ТУРҒУНОВ.

МУНОСАБАТ

КИМГА ИШОНИШИНГНИ ҲАМ БИЛМАЙСАН, КИШИ

«Mahalla» газетаси ва унинг ижтимоий тармоқлардаги «Xolis pazar» каналида «Сифатли интернетни...Ҳуқумат ҳохлайдими?» сарлавҳали мақола эълон қилинганди. Унда Адлия вазирини Руслан Давлетов ўзбекистондаги интернет нархини бошқа давлатларники билан солиштирганига муносабат билдирилганди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги газетаси ва ижтимоий тармоқларимизда эълон қилинган мазкур мақолага ўз муносабатини билдирди. Уни эътиборингизга ҳавола қиламиз:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг Олий Мажлис Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқида 1 Гигабайт мобил интернет (Ҳиндистонда 950 сўм, Исроилда 1,2 минг сўм, Қирғизистонда 2,2 минг сўм, Италияда 4,5 минг сўм, Украинада 4,9 минг сўм, Қозоғистон-

да 5 минг сўм,) Ўзбекистонда эса 16 минг сўмни ташкил этишини ва Ўзбекистонда интернет қамрови 51 фоиз эканлигини келтириб ўтган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу маълумотлар <https://www.cable.co.uk/> ресурсидан олинган. Мазкур маълумотлар 2020 йилнинг февраль ойида шакллантирилган бўлиб (аниқроғи 2020 йил 24 февраль), ҳозирги кундаги кўрсаткичларга умуман мос келмайди. Шу билан бирга, мазкур ресурс томонидан Ўзбекистондаги операторларнинг айнан қайси тариф режа ёки пакет-

лари ҳақида маълумот олинганлиги кўрсатилмаган.

2021 йилнинг март ойи ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи мобил алоқа операторларининг 1 Гигабайт интернет трафик учун энг қиммат, энг арзон ва ўртача нархлари таҳлили ўтказилган. Натижаларга кўра, республикамиз аҳолисининг ойлик ўртача интернет сарфи 4-5 Гигабайтни ташкил этади. Айнан шу асосда амалдаги мобил интернет пакетлари нархларини таҳлил қилсак, 1 Гигабайт ҳажмдаги мобил интернет хизма-

тининг ўртача нархи 6-7 минг сўмни ташкил этмоқда.

Қолаверса, 2019-2021 йилларда оператор ва провайдерларга интернет хизматлари учун тариф мавжуд техник қувватларни кескин ошириш ҳисобига оператор ва провайдерларга халқаро пакетли коммутация маркази (ХПКМ) орқали тақдим этиладиган 1 Мегабит/с тезликдаги канал нархи 2 баробарга арзонлаштирилди ва ҳозирги кунда ушбу хизмат нархи 40 000 сўм деб белгиланган».

Муносабат сўнгида, вазирлик идоралари раҳбарларидан оддий

ходимларигача Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига тааллуқли маълумотлардан фойдаланилаётганда вазирликнинг расмий маълумотларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ экани эслатиб ўтилган.

Нималар бўляпти ўзи? Ҳурматли вазирликларимиз ҳеч бўлмаста сизлар келишиб ишлангизлар. Бирингиз айтиб, эртага иккинчигиз норози бўлсангиз, оддий халқ кимга ишонади, ахир?

Садоқат МАХСУМОВА.

ИШСИЗ ЁШЛАР МУАММОСИНИ ЕР АЖРАТИШ БИЛАН ҲАЛ ЭТИБ БЎЛАДИМИ?

Ўтган йилдан буюн ишсиз, доимий даромад манбаига эга бўлмаган ёшларга 10-30 сотих ер майдонлари ажратиб берилмоқда. Қашқадарё вилоятида ҳам «Ҳар бир ёшга – бир гектар» лойиҳаси асосида 5 минг нафардан зиёд ишсиз ёшларга ер ажратилди. Самарқанд вилояти туманларида ҳам «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларга фермер хўжаликлари ҳисобидан бўлган ерлардан 10 сотихдан 20-30 сотихгача ер ажратиб берилмоқда.

Яқинда халқ ноиблари Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Ер кодекси лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида республикадаги ҳар бир туманнинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, деҳқончилик билан шуғулланадиган ёшларга 0,1 гектардан 1 гектаргача ер майдонлари ажратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ҳам муҳокама қилишди.

Ишсиз ёшларга ер ажратиш тажрибаси яхши, бироқ, бунинг учун, аввало, ҳудудларда томорқачилик хизматини яхши йўлга қўйиб, аҳолига томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, бунда, тупроқ-



иқлим шароити ва сув билан таъминланганлик ҳолатидан келиб чиқиб, қайси турдаги экинларни экиш, парваришlash, маҳсулотни йиғиб олиш ва уни сотиш бўйича амалий ёрдамлар кўрсатиш керак. Негаки, шунчаки ер ажратиб бериш билан иш битиб қолмайди. Деҳқончиликнинг ҳам ўзига яраша машаққатли

меҳнати, сарф-харажати бор.

Хўш, ҳудудларда ишсиз ёшларни иш билан таъминладик, деган ҳисоботларда бу масала қанчалик эътиборга олинмоқда? Уларнинг кейинги тақдири нима бўляпти?

Яна бир гап, бу тажриба водий вилоятларида ўзини оқлар балки, лекин воҳа ҳудудларида

бироз қийин масала. Негаки, мен билган ҳудудларда аҳолида томорқадан фойдаланиш маданияти етарли эмас, томорқачиларга хизмат кўрсатиш даражаси ҳам ноль. Буни биргина, «Томорқа хизмати» МЧЖлар мисолида таққослаб кўриш мумкин. Томорқачиларни сифатли уруғликлар, минерал ўғитлар ва ёқилғи маҳсулотлар билан таъминлаш масаласи ҳам катта муаммо.

Бундан икки йил олдин воҳалик бир йигит ғалладан бўшаган ер майдонига бир гектар сабзи экиб, бир сўм ҳам даромад олмаганди. Ўтган йили тарвуз экиб, харажати қоплай олмади.

Натижада деҳқончиликни ташлаб, катта бир гигант завод қурилишига оддий ишчи бўлиб ишга кирди. Ҳозир эса доимий даромадга эга...

Назаримизда, ҳар жиҳатдан ақлий салоҳиятга эга ишсиз ёшларимизга ер ажратиб бериш билан муаммони ҳал этиб бўлмайди. Чунки деҳқончилик кўп жиҳатдан табиатга, об-ҳавонинг қандай келишига боғлиқ. У ҳам лотереядай гап. Шу боис ишсизликка барҳам беришнинг бирдан-бир йўли, ҳудудларда кичик бизнес ва ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш керак.

Мақсадбек ҚҶҚОРОВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«МАҲАЛЛАБАЙ», «ФУҚАРОБАЙ» ИШЛАШ БЎЙИЧА ҚИЙИНЧИЛИККА ДУЧ КЕЛЯПМАН»

Кейинги пайтда маҳалла тизимида яхши ўзгаришлар бўлмоқда. Жумладан, «Маҳалла раиси – ислохотчи» тамойили асосида тизим ходимларига катта ваколатлар берилди. Ўз навбатида, бу бизнинг зиммамиздаги масъулиятни ҳам оширди.

Аммо айрим муаммолар ҳам борки, уларга ечим топмай соҳада ўзгариш қилишнинг иложи йўқ. Мисол учун, ўзим раислик қиладиган «Мингтут» маҳалласида «маҳаллабай», «фуқаробай» ишлаш бўйича қийинчиликларга дуч келяпман. Маҳалла фуқаролар йиғинига бириктирилган ташкилот ходимларини рўйхати шакллантирилган, бироқ, уларнинг бирортаси қорасини кўрсатгани йўқ.

Тўғри, туман солиқ инспекциясидан бириктирилган ходим уч кун тушлиқдан кейин келди. Афсуски, улар ҳам уйма-уй юриб, фуқаролар муаммосини аниқлаш учун эмас, аксинча, ўз манфаатлари йўлида келишган. Қарангки, ўзларига бириктирилган маҳалла фаолининг қўлига фуқаролардан солиқ қарздорлигини



Ғайратжон ТОШПҶЛАТОВ,
Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги «Мингтут» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ундириш мақсадида «огоҳлантириш» хатларини бериб, шуни тарқатишга ундашган, холос!

Халқ қабулхонасига фуқаролардан тушган мурожаатларни ҳуқуқий жиҳатдан ижросини маҳалла раислари томонидан таъминланиши ишимизни янада қийинлаштирмоқда. Ҳудудий ташкилот раҳбарлари маҳалла муаммолари билан ишлашда ижро интизомини унутган!

Шу ўринда тизимдаги ислохотларни

янада самарали бўлиши учун қўйидаги таклифларни бермоқчиман. Маҳалла раисларига, ходимларига аҳоли сони ва туман марказидан олис масофада жойлашганига қараб иш ҳақи белгилаш керак.

Маҳалла раисини хизмат муддатини 3 йилдан оширмаслик, ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш лозим. Маҳалла, тўғридан-тўғри ўз вазирлигига бўйсунуш тизимини йўлга қўйиш керак.

ҚУЛАЙЛИК

ЭНДИ ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ХИЗМАТЛАРИ ТЕЛЕФОНИНГИЗДА!

My.gov.uzнинг янги талқиндаги мобил иловаси ишга туширилди. Уни юклаб олинг ва электрон ҳукумат хизматларидан исталган вақтда фойдаланинг!

Мазкур илова барча машҳур мобил платформалар учун очиқ. Уни **Google Play** ҳамда **App Store**дан юклаб олиш мумкин.

Эътиборлиси, жорий этилган хизматларда электрон рақамли имзо талаб этилмайди.

Мобил илова сизга нима беради?

Шахсий маълумотлар қулай ва автомат тарзда тўлдирилади, ҳужжатлар ҳар доим қўл остингизда бўлади. Ҳужжат ва маълумотларни учинчи шахсга тақдим этишда ўз розилигини бошқариш имконияти туғилади. Электрон ҳукумат хизматларидан фойдаланишда вақтда хабардор бўлиш ва тўловларни тўлашда тезкорлик таъминланади.

Маълумотларни автомат тарзда, бир зумда олишингиз мумкин:

– яшаш жойи бўйича, солиқдан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома

– пенсия ҳақида маълумот

– ҳисобланган иш ҳақи суммалари тўғрисида маълумот

– масофадан туриб, коммунал тўловларни амалга ошириш

– СТИРни аниқлаш

– **ҳисоблагичларни қиёслашдан ўтказиш:** электр энергия, иссиқ сув, ичимлик суви

Мобил иловани йўлга қўйишдан мақсад:

Аҳолимизнинг электрон ҳукумат хизматларини қоғозли ҳужжатлардан фойдаланмай ва давлат идораларига ташриф буюрмай тезкор ва онлайн олишини таъминлаш.

ХАБАРДОРМИСИЗ

«САМОСУД»ГА ҚОНУНЧИЛИКДА
ҚАНДАЙ ЖАВОБГАРЛИК
БЕЛГИЛАНГАН?

– Ижтимоий тармоқларда жамоатчилик олдида «самосуд» қилиш орқали жазолаш ҳолатлари кўп учрамоқда. Бунинг учун қонунчиликда қандай жавобгарлик белгиланган?

Одил ОЛЛОЁРОВ,
Хоразм вилояти.



**Севара
ЎРИНБОЕВА,**
Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари:

– Ўзича судлаш (самосуд), яъни

қонун тили билан айтганда «Ўзбошимчалик» Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 200-моддасига мувофиқ, ўзбошимчалик, яъни ўзининг ҳақиқий ёки назарда тутилган ҳуқуқини фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларига, давлат манфаатлари ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар ёки зиён келтирмаган ҳолда ўзбошимчалик билан амалга оширса — фуқароларга БҲМнинг **учдан бир қисмидан бир бараваригача**, мансабдор шахсларга эса — **бир бараваридан уч бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 229-моддасига кўра, ўзбошимчалик, яъни ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса — БҲМнинг **50 бараваригача миқдорда жарима ёки 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари** билан жазоланиши белгилаб ўтилган.

Самосуд қилиш натижасида ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказганлик учун ҳам қонунчиликда жавобгарлик белгиланган. Яъни Жиноят кодексининг 103-моддасига кўра, шахсни қўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш — **3 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш** билан жазоланади.

Самосуд оқибатида қасддан одам ўлдириш жинояти содир этилса, Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилиб, **ўн йилдан ўн беш йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирса, Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмининг «л»-банди, яъни безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш, **ўн беш йилдан йигирма беш йилгача** озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланиши белгиланган.


ИЛМИЙ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИМИЗ
ҚАЧОН ЗАМОНАВИЙЛАШАДИ?

Узоқ вақт илм-фан соҳаси эътибордан четда қолиб кетгани, бу юмуш фақат сўзда бажарилиб, амалда эса деярли ҳеч нарса қилинмагани маълум. Айниқса, илмий лабораторияларнинг эски жиҳозлар билан яшаб келиши ҳозирги кунда ҳам ўнганмаган ҳолат.

Илмий тадқиқотчиларнинг шундай шароитдаги фаолияти аксар ҳолларда самарасизликка тенг ҳаракат ҳисобланади. Бу, биринчидан, ўзбек илм-фани ривожига салбий таъсир қилса, иккинчидан, кўплаб соҳаларда илмий тадқиқотлар натижалари асосида янгиликларни жорий этишдан маҳрум этади. Агар олимларимизга имкон яратилса, улар бу борада кўплаб ишларни амалга оширишлари мумкин.

2020 йил якунлари бўйича юртимиздаги энг юқори рейтингга эришган ёш олимлардан бири, *ЎзФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий ходими Тохир Бозоровнинг фикрига кўра*, Ўзбекистонда илм-фан барча йўналишларда ХХ аср 70-йиллари

ҳолатида турғун қотиб қолган. Барча соҳаларда: биология, кимё ёки физика бўладими, шу аҳвол. У биздаги инфратузилмани оддий тажриба ўтказиш учун ҳам талабга жавоб бермаслигини таъкидлар экан: «Институтимизда замонавий молекуляр биологик тадқиқотлар олиб борилиши, ген функцияси ўрганиш, молекуляр биологик ва молекуляр генетик анализлар, биотехнологик услублар ишлаб чиқишни биз ҳам хоҳлаймиз. Бу минтақамиз учун долзарб бўлган ўсимликларнинг шўрхоқликка ва кўрқоқчиликка чидамли-чидамсиз бўлган экотипларини ажратиш олиш, молекуляр генетикага асосланган уруғчилик, вирусиз кўчатларни етказиб бериш ҳамда бошқа ишлар учун имкон берар эди. Ҳозирги шароит



билан бу ишларни қилиб бўлмайди», – дейди.

Тўғри, замонавий лаборатория жиҳозлари арзон эмас, баъзилари жуда ҳам қimmat. Лекин имкон даражасида уларни янгилаб бориш иложсиз иш эмас. Қолаверса, лабораторияларда амалга ошириладиган илмий тажрибаларнинг самарасини амалиётга татбиқ этишдан кўриладиган фойдаларни ҳисобга олсак, унга сарфланадиган маблағ бир неча баробар қопланиши сир эмас.

Шунга қарамай, нимагадир мута-

садиларда бунга хоҳиш борлиги сезилмайди. Мулоҳаза қилайлик, ишлаб чиқаришда ёки бошқа соҳаларда бўлмасин, илмий тажрибаларга суяниб инновацияларни йўлга қўймас эканмиз, дунё бозорига рақобатчи сифатида маҳсулотларимиз билан кириб боролмаймиз, балки ўзимизга йиллар давомида истеъмолчи сифатида бошқаларнинг товарларини сотиб олиш билан шуғулланиш қисматини танлаган бўламиз.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

МУНОСАБАТ

«МАҲАЛЛА РАИСИГА СУИҚАСД ҚИЛИНДИ»
САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАГА МУНОСАБАТ

Хабарингиз бўлса «Mahalla» газетасининг 10-сонига ҳамда Youtube каналида «Маҳалла раисига суиқасд қилинди» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди.

Ушбу мақола Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди. Ўрганиш давомида кўйидагилар аниқланди.

Маълум бўлишича, шу йил 10 март куни соат 10:30ларда Наманган вилояти Чуст тумани «Янгиер» маҳалласи Ўзбекистон кўчаси 3-уйда яшовчи 1984 йилда туғилган, муқаддам судланмаган Ботиржон Раҳмонов маҳалла фуқаролар йиғини идорасига бориб, маҳалла раиси Феруза Рустамовадан кредит маблағлари ажратилишида ёрдам сўраган.

Ф.Рустамова унга ҳозирда кредит берилиши имкони йўқлигини айтган. Бундан ғазабланган

йигит яшаш хонадонига бориб, спиртли ичимлик истеъмол қилади. Сўнг маст ҳолатда соат 12:30ларда МФЙ идорасига қайтиб келиб, маҳалла раиси билан жанжаллашиб қолади. Ошхона пичоғи билан унга тан жароҳати етказди.

Ушбу хабар Чуст тумани ички ишлар бўлими томонидан рўйхатга олинган, воқеа жойига туман ички ишлар бўлимининг тергов-тезкор гуруҳи етиб келган ва ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Маҳалла раиси Ф.Рустамова ҳудуд профилактика инспекторига телефон қилган вақтида, катта лейтенант Аббор

Тожибоев туман тиббиёт бирлашмасида 3 нафар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказётган бўлган. Мазкур ҳолат бўйича 2021 йил 16 март куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ҳозирда ушбу ҳолат бўйича Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси томонидан профилактика инспекторининг хатти-ҳаракатлари юзасидан хизмат текшируви ўтказилмоқда.

Наманган вилояти ИИБ ахборот хизмати

ЎТҚАЗАЁТГАН КЎЧАТЛАРИМИЗ ЁЗГА БОРИБ ҚУРИБ ҚОЛМАЙДИМИ?



Умумхалқ хайрия ҳашари кунларида «Кўйлик» деҳқон бозори яқинидаги йўл четида қуриб қолган арча кўчатларини махсус машина ёрдамида туваги билан сўғуриб олиб ўрнига янгилашини экаётганига кўзимиз тушди.

Ўйлаб қолдим, бу ҳолат нечанчи бор такрорланаётган экан. Ахир ободонлаштириш ходимлари томонидан чамаси 10-15 йиллардан буён ҳар кўкламда йўллар атрофига арча кўчатлари экиб келинади. Агар шунча ниҳол тугиб кетганда ҳаммаёқ арчазорга айланиши тайин эди. Ҳар йили

экилган барча турдаги миллионлаб кўчатлар ҳисобланганда эса ҳозир ўрмонлар мамлакатда яшаётган бўлармик.

Лекин, афсуски, баҳорда ўтқазилган кўчатларни ёз ойларига бориб қувраб-қовжираган ҳолда кўрамиз. Ваҳоланки, бир йиллик ўсимликлар ҳам қишга қадар яшнаб туради. Сабаб нима? Экишга экиб, парваришига беътибор қаралмоқдами? Ҳа, фалон туп кўчат экиш топшириғи берилсаю, уларнинг парвариши нима бўлаётганини биров сўрамаса, натижаси маълум-ку!

Назаримизда, сўрайдиганларга ҳам бунинг қизиғи бўлмас керак. Ўзидан юқори идорага мав-

сумда фалон минг туп кўчат ўтқазилди, деб ҳисобот топширишса кифоя, шекилли.

Ажабланирлиси, бу ҳолат бир-икки ёки тўрт-беш йилдан бери қузатилаётгани йўқ. Юқорида мuddатини айтдик. Наҳотки, республика даражасидаги бирор идора раҳбари шаҳару қишлоқларни кезиб «экилган кўчатлар қаёққа кетди?», деб суриштирмаса ва сабабини аниқлаб тегишли чора белгиланмас. Ахир жамоатчилик бу муаммони бугун кўтараётгани йўқ-ку, ҳар доим гапириб келинади.

Бу ерда бошқа сабаб ҳам бўлиши мумкин. Айрим узун-қулоқ гапларга қараганда, ҳудудларни кўчатлар билан



таъминлашга масъул фирма ходимлари уларни тарқатишдан аввал илдизини қайноқ сувга ботириб олишар экан. Натижада ниҳолни эккач, ҳар куни қолдирмай сув қуйманг фойдаси йўқ, кўп ўтмай қуриб қолади. Бу нимага керак? Сабаби, сотган ниҳоллари кўкариб ўсиб кетса, кейинги йиллари кимга кўчат сотади. Коррупция авж олган замонда бу ростга ҳам ўхшаб кўрилади.

Хулласи калом, энди экилаётган кўчатлар тақдири ҳақида мутасаддилар олдиға қатъий савол олишар экан. Натижада талаб қилиниши лозим. Назаримизда, маҳаллий раҳбарларга экишни эмас, парваришлаб ўстириш мажбурият қилиб юкланса, самарта бўлади. Кўчат экишни халқимизнинг ўзи савоб учун ҳам эплайди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

ТАЪЛИМ

МИЛЛИЙ ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИШ КЕРАК ЭМАСМИ?

2021-2022 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Наманган ва Хоразм вилоятларидаги Президент мактабларига 5-синфлар билан бирга, 6-синфларга ҳам қабул ўтказилади. Шунда жами бу ҳудуддаги ҳар икки синфга 24 тандан, 48 нафар ўқувчи қабул қилинади.

Анджон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида Президент мактаблари янги иш бошлаши муносабати билан 5-10-синфга қабул эълон қилинди.

Маълумки, бу мактабларда STEAM фанлари — математика, биология (табиатшунослик), информатика ва ахборот технологиялари, физика, алгебра, геометрия, кимё бўйича хорижий дастур асосида ўқитилади. Қабул имтиҳонлари ҳам шу асосда ўтказилади. Илғор хорижий тажрибадан андоза олинаётгани яхши. Бу ёшларимизни нуфузли хориж олий ўқув юртларига кириши учун ҳам замин ҳисобланади. Аммо масаланинг иккинчи томони бор.

Хўш, шу мактаб битирувчилари айрим сабабларга кўра ўзимизнинг олий ўқув юртларига ҳужжат топширишса, нима бўлади? Тест имтиҳонларидан ўта олишадими? Катта эҳтимол билан бу

савол жавоби сўроқ остида қолади.

Сабаби Президент мактабларида юқорида айтганимиздек, дарслар мутлақо бошқа дастур асосида олиб борилади. Умумтаълим мактабларида эса ўқув дастур ва дарсликлар Давлат таълим стандарти асосида яратилади. Табиийки, тест саволлари ҳам мактаб дарсликларига асосида тузилади. Бу дегани, Президент мактаби битирувчиларига бизнинг тест саволларимиз мутлақо бегона, нотаниш. Энди ўзингиз айтингчи, шу ҳолатда ижобий натижадан умид қилса бўладими?

Таклифимиз, мамлакатимиздаги STEAM фанлари асосида ўқитиладиган мактаблар учун ягона миллий таълим дастури ишлаб чиқиши, у Давлат таълим стандарти мезонларига мослаштирилиши шарт ва зарур.

Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«1600 МЕТР КЎЧАМИЗ АСФАЛЬТЛАНИШИ КЕРАК»

Муаммо: Бизнинг «Бозорбоши» маҳалласи тумандан олисда жойлашган. Маҳалламизга хос муаммолардан бири 1600 метр йўл жуда абгор ҳолатда бўлиб, асфальт қилишга эҳтиёж бор. Қишда лой, ёзда чанг бўлади. Бу муаммомизни туман ҳокимлигига, сектор раҳбарига ёзма равишда тақдим этганмиз. Умид қиламизки, яқин кунларда кўчаларимиз яхшиланади.



Ўқтамбой БОЛТАБОЕВ,
Наманган туманидаги «Бозорбоши» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Яна бир катта муаммо — иш фаолиятимиз билан боғлиқ. Биласиз, авваллари ҳужжат ишларини маҳаллада масъул котиб бажарарди. Янги тартиб бўйича масъул котиб штати бекор бўлгач, ҳужжат ишларига жуда қийналыпмиз. Ҳозир мажбуриятдан шу ишларни раиснинг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари

бўйича ўринбосарим бажаряпти. Натижада ўзининг ишига улгуриши қийин бўляпти.

Таклиф: Бу муаммони бир неча бор матбуотда таъкидланса ҳам, негадир масъуллар бунга эътиборсиз бўлишмоқда. Агар яна шу штат қайтариб берилса, жуда яхши бўларди. Бошқа муаммоларни аста-секинлик билан ҳал этиб бораёلمиз.

ҚОНУННИ БИЛМАСЛИК, ЖАЗОДАН ҚУТҚАРИБ ҚОЛМАЙДИ

ёхуд жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғидаги тушунмовчиликлар

Кейинги пайтларда аҳолидан газета ва ижтимоий тармоқларимиздаги манзилларга кўплаб мурожаатлар келмоқда. Ана шундай мурожаатлардан бири Қашқадарё вилоятидан келди. Мурожаатда таъкидланишича, солиқчилар аҳолининг ер солиқларини 2-3 баравардан ҳисоблаб, «ёппаси»-га қарздор қилаётган экан.

Ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида **Давлат солиқ кўмитасига** мурожаат қилдик.

– Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек, юридик шахс ташкил этган ёки этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликлари жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини солиқ тўловчилари деб эътироф этилади, – дейилади **Давлат солиқ кўмитаси Ресурс солиқлар маъмуриятчилиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Нодир Қодиров номидан келган жавобда**. – Кўчмас мулк бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг (кадастр) маълумотлари бўйича ер участкаларининг майдони солиқ солишга асос ҳисобланади.

Республика ҳудудлари кесимида базавий солиқ ставкалари 1 кв.м. учун мутлақ ўлчамда белгиланади ва солиқ ставкаларининг аниқ миқдорини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгаши ҳамда туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгаши белгилайди.

Деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларга солиқ ставкаси қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда белгиланади.

Тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ер участкалари учун ёхуд уйлар, дала ҳовли иморатлари, якка тартибдаги гаражлар ва бошқа иморатлар, иншоотлар юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилганда, шунингдек,

жисмоний шахсларнинг мулкда бўлган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари эгаллаган ер участкалари учун солиқ жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш учун белгиланган солиқ ставкалари бўйича ундирилади ҳамда имтиёзлар уларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Солиқ кодексининг 437-моддасига мувофиқ, ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганда солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг уч баравари миқдоридан белгиланади.

Мисол учун, **Қашқадарё вилояти Қарши тумани «Қовчин» маҳалласида** фуқаронинг уй-жойининг жами ер



майдони 50 сотихни ташкил этади. Ушбу ер участкасига қуйидаги тартибда солиқ ҳисобланади: **1 кв.метр учун солиқ ставкаси 141,1 сўм.**

Ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлари (мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи) **мавжуд бўлган** турар-жойга жорий йилда $(5000 * 141,1) = 705 500,0$ сўм ер солиғи ҳисобланади.

Ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлари (мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи) **мавжуд бўлмаган** турар-жойга $(5000 * 141,1 * 3) = 2 116 500,0$ сўм солиқ ҳисобланади.

Агар ҳужжатда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланган бўлса, жумладан, жами ер майдони 5000 кв.метрни, шундан, ҳужжат бўйича 1000 кв.метр, ҳужжа-

ти мавжуд бўлмаган ер майдони 4000,0 кв.метрни ташкил этган тақдирда $(1000,0 * 141,1 = 141100) + (4000,0 * 141,1 * 3 = 1693200) = 1 834 300,0$ сўм ер солиғи ҳисобланади.

Демак, солиқчилар ўзбошимчалик билан иш кўрмапти. Мутахассис жавобларидан келиб айтадиган бўлсак, мурожаатчиларнинг фойдаланаётган ер майдонлари ҳужжатда кўрсатилганидан ортиқ. Назаримизда, бундай тушунмовчиликларнинг олдини олиш учун соҳа мутахассислари фуқароларга тушунтириш ишларини етарлича олиб боришлари зарур. Аҳоли ҳам ўз ҳуқуқларини билиши лозим. Йўқса, қонунни билмаслик, жазодан қутқариб қолмайди.

Р.ЮСУПОВ.

МОЛИЯ

ХИТОЙДАН ОЛГАН ҚАРЗИМИЗНИ ҚАНДАЙ ҚАЙТАРАМИЗ?

Ҳар қандай давлат йирик ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун чет мамлакатлар, молиявий донор ташкилотлардан турли шартлар асосида қарз олиш амалиёти аллақачон дунё иқтисодиётининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Мазкур усул билан ўта муаммоли вазиятларни осон енгиб ўтган мамлакатлар кўп. Аммо қарзнинг, ҳатто давлат суверенитетини-да йўқотиб қўйишга, мамлакатнинг ташқи таъсир доираларига бўлинишига олиб келадиган зарарли тарафлари ҳам мавжуд.



Мисол учун, куни кеча Қирғизистон президенти Садир Жапаров агар Қирғизистон Хитойнинг «Эксимбанк»ига қарзини тўламаса, унда ХХР мамлакатдаги йирик инфратузилма объектларини бошқариш ҳуқуқини олиши мумкинлигини очиқ айтди. Булар Бишкек «Шимол-Жануб» муқобил йўналиши ва «Датка-Кемин» электр узатиш

линиясидир. Айнан шу лойиҳалар учун Қирғизистон Хитойдан қарз олган. Келишув шундай бўлган. Экспертлар Хитой қарз ҳисобига Қирғизистоннинг «олтинга бой» ерларини сўраши эҳтимоли мавжудлигини ҳам билдиришмоқда.

Майли, бу қўшни республиканинг ички ишлари. Аммо Ўзбекистон ҳам ХХРнинг Марказий Осиёдаги

йирик кредиторларидан эканини унутмаслик лозим. Биз қарзимизни вақтида узолмай қолсак, нима бўлади? Молия вазири Тимур Ишметов бу масалада гапирди. У ҳақиқатдан ҳам Хитой асосий қарз берувчиларимиздан бири экани, бизда бу қарзни қайтариш билан боғлиқ бўлган иқтисодий-молиявий шартлардан ташқари, ҳеч қандай шартлар йўқлигини таъкидлади. Яъни маълум лойиҳалар учун ҳукуматнинг қайтариш шартини билан қарз берилган. Бутун дунё сингари қарз олиниб, қарз берилганда, ё ўша қарзни қайтара олиши ёки қўшимча суғурта сифатида нимадир гаров талаб қилинишини

билдирган. Аммо вазир ўша гаровлар нима эканини тўғрисида лом-мим дегани йўқ. Умуман, вазирнинг мазкур фикрларидан бирор нарсани илғаб олиш мушкул.

Унинг фикрича, давлатлар ўртасидаги қарз-берувчиларга келганда бундай гаров талаб қилиниши жуда камдан-кам ҳолатларда бўлади, аксарият ҳолатларда бўлмайди ҳам. Чунки бирор мамлакат қарз берувчи давлатнинг макроиқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб, унга ишонсагина қарз беради. Хитой каби бошқа давлатлар ҳам Ўзбекистон учун қарзни вақтида қайтаришдан бошқа талаблар қўймаган.

Бу, албатта, яхши. Аммо қарз шартномаси-

да қарзни қайтаролмай қолган тақдирда қандайдир бошқа ундирув чораси тўғрисида банд бўлса керак, албатта. Бу ҳақда ҳеч ким маълумот бераётгани йўқ. Умуман, ташқи қарзлар масаласида жамиятимизда кўп тортишувлар бўлаётганини инкор этиб бўлмайди. Мавзу кўпдан буён турли гурӯҳларнинг аҳолини манипуляция қилиш воқисасига ҳам айланган. Бу тортишувлар эса фақатгина бир ҳолатда тугайди. Қарз шартномалари устидаги «маҳфий» тамғасини олиб ташлаб, матнини очиқ эълон қилиш керак. Бахсларни тугатишнинг бошқа услуби йўқ.

Комрон ТУРҒУНОВ.

ҚАЧОНГАЧА АДОЛАТСИЗЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИ?

Спорт тинимсиз жисмоний ва руҳий машқлар орқали натижага эришилдиган соҳа. Фақат унга коррупция ва фирромлик аралашмаса. Афсуски, кейинги пайтларда деярли барча спорт федерацияларида яққол муаммолар кўзга ташланмоқда. Каратэчилар, шахматчилар ва ҳатто футбол мураббийлари ҳам ўз норозиликларини билдиришяпти. Бу норозиликлар тагида эса адолатсизлик ва коррупция ётгани яққол кўриниб қоляпти.

Тармоқларда куни кеча бўлиб ўтган «Сўғдиёна» — «Турон» жамоалари ўртасидаги ўйиндан кейин «Турон» жамоаси бош мураббийи Ислон Исмоилов томонидан айтилган фикрлар «айланяпти». Мураббийнинг ҳакамликдан норози бўлганини тўғри ё нотўғри деёлмайман, бироқ тизимга ўзгартириш киритилмас экан, биз футболимиз билан фахрлана олмайдиган халққа айланамиз.

Афсуски, футболда қанчадан-қанча иқтидорли болалар четда қолиб кетаётгани бор гап. Агар шу тарзда давом этаверса, тизимдаги муаммолар ҳали бери тугамайди. Спортга энди қадам қўйган ёшлар эса бундай «ўйин»ларни кўриб, соҳадан совиб кетиши

ҳам тайин. Аслида, болалар футболни учун ФИФА томонидан ишлаб чиқилган аниқ тизим бор. Яъни профессионал футболчи клубини алмаштирган тақдирда, уни болаликдан тарбиялаган мураббийга ҳар сафарги трансферидан улуш тегади. Бизда бу тизим йиллар давомида ишламай келмоқда. Ҳозир мураббий шогирдининг ёшани кичрайтириб, бирор мусобақада ғолиб чиқишидан манфаатдор. У профессионал футболда қай даражада ўйнаб кетиши эса иккинчи даражали. Агар ФИФА тизимини йўлга қўя олсак, мураббий шогирдининг ёшани кичрайтириши эмас, балки уни профессионал футболчи қилиб тарбиялашни кўпроқ ўйлармиди?

Яна бир масала:



паралимпиячиларимиз билан боғлиқ. Уларнинг матонати ва шижоатини ўзгаларга ўрнатиб қилиб кўрсатсак арзийди. Дунё ареналарини забт этишда ҳам паралимпиячиларимиз олдинда. Аммо яратилган шароитлар, моддий-техник база, махсус спорт анжомларини ишлаб чиқариш бўйича камчиликлар кўзга ташланади.

Энг ёмони, Президентнинг 2017 йил 9 мартдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва

XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Дастурнинг 46-бандида миллий терма жамоа спортчилари, тренерлари ва мутахассисларини уй-жой ҳамда кўп хонали хонадонлар билан таъминлаш кўзда тутилган бўлса-да, ҳужжат ижроси ҳанузгача амалга оширилмаётир. Мисол учун, дзюдо бўйича Паралимпия ўйинлари совриндори, жаҳон чемпиони Феруз Саидов айнан шу масалада икки йилдан буён ташкилотлар орасида

сарсону саргардон. Масъуллар эса мурожаатни бир-бирига юбориш билан банд. Чемпионларимиз мана шу тарзда саргардон қилинар экан, спортимизда муаммолар янада кўпаяверади.

Аслида эса биз уларни қўллаб-қувватлашимиз керак эмасми? Бечора спортчи минг азобда медални қўлга киритсаю, керакли маблағ ва очколарни бошқалар ўзлаштириб кетаверса, бу адолатданмикан?

Нилуфар ЮНУСОВА.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Елимланган пуллар яроқлими?

– Қандай пуллар тўловга яроқсиз ҳисобланади ва қабул қилинмайди? Бир-бирига елимланган пуллар-чи, яроқли ҳисобланадими?

Шаҳзод АБРАХМАТОВ.
Қашқадарё вилояти.

Фазлиддин БОЗОРОВ,

Марказий банкнинг Нақд пул муомаласи департаменти директори:

– Банкнот юзасининг 55 фоизидан кам қисми сақланиб қолган пуллар «тўловга яроқсиз» ҳисобланади ва улар савдо шохбчаларида қабул қилинмайди. Шунингдек, пул олди-бердисиди банкнотларнинг тегишли ҳимоя белгиларига эга бўлишига жиддий эътибор қаратиш зарур. Банкнотдаги унинг номинал қийматини акс эттирувчи ёзув ва рақамларни ўзгартириш орқали ҳосил қилинган «қалбаки», «сохта» пулларга алданиб қолмаслик зарур.

– Елимланган банкнот қисмлари битта банкнотга тегишли бўлса, яъни серия, рақамлари бир хил бўлганда «яроқли пул» сифатида тўловга қабул қилиниши лозим. Айрим ҳолларда, бир хил номиналдаги, бироқ 2 та банкнотнинг қисмларини бир-бирига елимланганлигини учратиш мумкин. Яъни банкнот қисмларидаги серия, рақамлар турлича бўлади. Ушбу банкнотларнинг ҳар икки қисми алоҳида олинганда, банкнот умумий юзасининг 55 фоизидан кам бўлса «тўловга яроқсиз» деб топилди. Аксинча бўлса, қабул қилинади.

КЎЗГУ

«ОДАМЛАРНИНГ ЭНГ ЁМОНИ КИМ?»



Жонс Хопкинс университетининг сўнгги маълумотларига кўра, дунёда коронавирусни 119 миллион 848 мингдан ортиқ одам юқтирган, улардан 2 миллион 653 мингдан ортиғи вафот этган. Айтишга осон, аммо қалбни ларзага солувчи рақамлар... Бир оилани отадек таянчи, онадек меҳрибони, яна қайси бир хонадон соҳибини гулдек фарзандидан айирган «жаллод»...

Юртимизда коронавирус пандемияси эълон қилинганига бир йил бўлиши билан яна касалланганлар сони орта бошлади. Ҳатто пойтахтимизнинг Чилонзор, Мирзо Улуғбек, Юнусобод туманларидаги мактабларда онлайн дарс жараёнларига ўтилди, жамоат транспортларида карантин қодалари янада кучайтирилди. Хўш, нега шундай бўлди? Бунга ким айбдор?

Очиғи, сўнгги пайтларда кўча-кўйда, тўй-томошаларда, жамоат жойларида худди карантин тартиби бекор қилингандек

тасаввур уйғонганди. Қоидаларга риоя қилиш жуда суст даражага тушди. Аслида эса, бу касалликнинг биргина шифо йўли бор, бу — сизу биздан талаб қилинаётган, ўрнатилган карантин қоидаларига амал қилмоқ. Уларга бепарволик барчамизга қимматга тушиши тайин.

Яқиндагина касалликка чалинганларнинг қарийб 100 фоизи соғайгани, тизгин қўлга олингани ҳақида севиноб гапираётгандик. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида қатор чекловлар бекор қилинди. Бироқ буни ўз билганича талқин қилиб, бепарволикка берилган фуқаролар орасида яна касаллик кўпайгани ҳали қувониш учун эрта эканини кўрсатди. Наҳотки, баъзи юрдошларимиз ҳануз бепарволик «вируси» «тождор ёв»дан ҳам хавфли экани-

ни тушунмаётган бўлса?! Бозорлар, савдо мажмуалари, банкларда ижтимоий масофага амал қилмаётган, жамоат жойида ниқоб тақмай юрганларни қандай тушуниш мумкин?!

Ҳаётимизни уммондаги бир катта кемага қиёсласак, у кемани бекаму кўст бошқариш учун ҳамма вазиладорлар ўз ишини сидқидилдан ва мукамал адо этиши лозим. Акс ҳолда, кема бир ёки бир нечта бепарво инсонлар айби билан фалокатга дучор бўлиши тайин. Афсуски, буни барча бирдек англамайди. Ҳали-ҳануз беғамлик, лоқайдлик, содир бўлаётган ҳодисаларни кўриб, кўрмасликка олиш каби иллатлар мавжуд, орамизда касалликка қарши кураш фақат давлатнинг иши, деб ўйлайдиганлар ҳам учрайди. Аммо бу

билан бирон натижага эришиб бўлмайди. Сафимизда лоқайд кимсалар ҳануз бор экан, касалликни енга олмаслигимизни барчамиз англашимиз шарт.

Луқмони Ҳакимдан «Одамларнинг энг ёмони ким?» деб сўралганида, у киши: «Одамларнинг ёмонлик қилаётганини кўра туриб, кўрмасликка олгани, бепарво, лоқайд бўлганидир», деб жавоб берган экан. Шундай экан, карантин қоидаларига амал қилинмаётганининг гувоҳи бўлсангиз, бу ҳолатга бефарқ қараманг. «Менга нима, соғлиғи ўзига керак», дея юз бурманг. Шундайларни огоҳликка чорланг! Балки ўша киши ўз соғлиғига лоқайддир, бироқ сиз жамиятимиз соғлиғига бефарқ бўлманг.

Замира ШУКУРОВА.

МИЛЛИАРДЛИК ДАВЛАТ БУЮРТМАЛАРИ КИМНИНГ ЧУНТАГИГА КЕТЯПТИ?



Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг хабар беришича, Навоий ва Андижон вилоятлари ҳокимликларидаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари танлов ва тендерларни ўтказиш жараёнида «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонуности норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар талабларни бузган.

Буни қарангки, фойдаланишга топширилган биноларда назорат ўлчови ўтказилганда қурилиш объектларида белгиланган ишларнинг етарли бажарилмагани (камомад) аниқланди. Бундан ташқари, 7 та ҳолатда суғурта полислари мавжуд бўлмаган ҳолда 9,6 млрд. сўмлик қурилиш объектлари молиялаштирилган. Натижада 4 та жиноят иши қўзғатилган.

Ажабланарлиси, ҳудудларда давлат буюртмаси асосида харид қилинаётган ёки қуриладиган «ёғли» объектларнинг асосий пудратчиси айнан «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг

компаниялари раҳбарлари ва уларнинг қариндошларига тегишли корхоналардир. Негаки, номигагина ўтказилаётган турли танлов ва тендерлар манфаатлар тўқнашуви натижасида ҳал этилмоқда.

Бу каби жиноятлар бугун ёки кеча кўпайгани йўқ: улар олдинги йилларда ҳам бўлган ва бундан-да каттароқ ҳолатларда намоён бўлган. Аммо уларнинг аксарияти аниқланмай қолиб кетаверган. Президентимиз Жиззахдаги қулаб тушган кўп қаватли бино «иши» бўйича тўхталиб ўтгандан сўнг бу борадаги коррупцион ишлар билан «кураш» авж олди. Бироқ аксариятида

маълум бир нормалар бузилгани аниқланган бўлса-да, жавобгарлик белгилаш, бюджет маблағларини ортга қайтариш масалалари очик қолмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 11 мартдаги «Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари томонидан қурилиш

ташкilotлари билан тузилган шартномалар асосида кўп квартиралар уй-жойлар қурилиши бўйича инжиниринг хизматлари, шу жумладан, техник назорат амалга оширилади», деб қайд этилган.

Бироқ давлат харидлари, танлов ва тендерларни ўтказиш жараёнида «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонуности норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар талабларини бузган бундай инжиниринг компанияларга қандай ишониш мумкин?! Балки Давлат харидлари бўйича ягона ахборот порталининг ишга туширилиши ва у ерда зарурий маъ-

лумотларнинг очиқла-ниши юқоридаги каби қонунбузилишларнинг олдини олар.

Назаримизда, очиклик, ошкоралик таъминланса, жазо муқаррар бўлса, ҳар бир фуқарода коррупцияга мурасизлик кайфияти шакллантирилса юқоридаги каби схематик коррупционерларга барҳам берилиши мумкин. Энг муҳими, мансабдор шахслар фаолиятида коррупционер ҳолат аниқланса, биринчи даражали қариндошларининг ноқонуний орттирилган молк-мулкани ҳам мусодарага йўналтириш керак.

Мақсадбек
Кўчқоров.

АКС-САДО

ҚОИДАБУЗАРЛИКНИ ТАСВИРГА ОЛИШ — НОМАРДЛИКМИ?

Айни пайтда тармоқларда, ўзаро суҳбатларда йўллардаги қоидабузарликни тасвирга тушириб юбориш мавзуси атрофида баҳс-мунозара қизиқмоқда. Кимдир буни оқлаётган бўлса, бошқа биров аксинча фикрда. Кўпгина ҳайдовчилар эса ўз манфаатидан келиб чиқиб, бу ишни «сотқинлик», «стукачлик», «номардлик»ка йўймоқда. Хўш, аслида-чи?

Кундалик хабарларга эътибор беринг, кейинги пайтларда автоҳалокат билан боғлиқ фожиавий ҳодисалар кўпайиб бораётгандек туюлади кишига. Хусусан, шаҳарларда, айниқса, шаҳарлараро йўлларда бундай фожиалар кўпроқ рўй бермоқда. Янада афсусланарли томони, содир бўлаётган аксарият йўл-транспорт ҳодисаларида турли ёшдагилар, аёллар, энг аламлиси, ёш болалар ҳаётдан кўз юммоқда. Бугун ҳатто фарзандингни мактабга жўнатиш ҳам урушга жўнатишдек гап бўлиб қолди.

Бу нимани англатади? Афсуски, орамизда йўл қоидасини бир тийинга илмайдиганлар кўп. Уларнинг касрига ҳар кун кимнингдир отаси, онаси, фарзанди ҳаётдан кўз юмади. Бироқ фожиаларга биз доимо нолийдиган йўллар

эмас, аксарият ҳолларда автомашина бошқаруви-га ўтираётган ҳайдовчи ёки эътиборсиз йўловчилар сабабчи бўлмоқда. Яна бир оғриқли жиҳат: ҳайдовчилик курсларини тугатаётганларнинг аксарияти йўл белгиларини, ҳатто транспорт ҳаракати қайси томон қоидалари бўйича амалга оширилишини ҳам билишмайди. Бундай битирувчилар имтиҳонлардан қандай ўтаётгани ҳам қизиқ.

Шу сабабли бундай фожиаларга қарши бутун жамоатчилик бирга-лиқда курашиши керак. Ҳамма уйғоқ бўлиши, ҳеч ким лоқайд бўлмаслиги лозим. Тўғри, имкон берилди, фойдаланиб қолиш керак, деб вақтини фақат светфор ёки чорраҳаларда ўтказаятган, тасвирга олишни «касб» қилиб олганларни ҳам оқлаб бўлмайди. Бироқ қоида-



бузарликни кузатиш ва қайд этиш, жазолашда изчиллик йўқлиги, бутун республикада техник ресурслар етмаслигини ҳисобга олсак, бир-биримизни шундай тарбиялашимиз ёмон иш эмас, аслида.

Қоидабузарлар ҳар қанча ўзгаларни айб-ламасин, энг аввало, ўзлари қоидани бузмаслиги керак. Зеро, йўлга чиқмоқчи бўлган одам олдида иккита — машина ҳайдамаслик ёки қоида бузмасдан ҳайдаш каби муқобил вариантлар туради. Бироқ қоидабузар босиб кетган одамда вариант қолмайди. Шундай экан, буни кимдир пул учун қилар, яна кимдир фуқаро-

лик позицияси нуқтаи назаридан ёндашар, биз учун муҳими — қоидабузарликлар камайсин. Ҳар ким эрталаб чиққан хонадонига ёруғ юз билан қайтсин.

P/S. Кимдир тасвирга олишни шунчаки фуқаролик бурчи сифатида амалга оширар ва бунинг учун ҳақ олишни истамас. Албатта, бунинг ҳам имкони бор, қоидабузарлик ҳақида хабар берган киши рағбатлантириш турини ўзи танлаши мумкин: хоҳланг — олинг, хоҳланг — рад қилинг, истасангиз — уни хайрия мақсадларига ҳам йўналтиришингиз мумкин.

Иброҳим Пўлатов.

МЕНДА
САВОЛ БОР...

Рўза тутган одам спрей дорисини сепса бўладими?

— Рўздор ҳолатимда шамоллаган бўлсам бурнимга спрей дорисини сепсам ва томоғимга спирт суртсам бўладими?

— Спрейнинг газли(ҳаволи)сидан ёки мазга ўхшаган бурунни четига суртилса ҳидидан димоғ очилиб кетадиган воситалардан фойдаланинг. Спрейнинг сув пуфлайдигани рўзани очиши мумкин. Рўздор киши томоғига спирт суртса бўлади. Уни рўзага таъсири йўқ. Валлоҳу аълам.

Ўзбекистон
мусулмонлари
идораси Фатво
ҳайъати.

ҲОКИМЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ ҚАРОРЛАРИ ҚАЧОН ТЎХТАЙДИ?

Ҳокимларнинг ноқонуний қарорлар чиқариши ҳамда бундан халқ ва давлат манфаатларига катта миқдорда зарар етиши ҳақидаги мисолларга кўп дуч келамиз.

Биргина аҳоли хонадонларининг қонунга хилоф равишда бузилиши бўйича қанча ҳолатлар кузатилди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ўзбошимчалик билан қарор чиқариб, фуқароларга пора эвазига ажратилиши, тадбиркорнинг мулкани тортиб олиш каби қонунбузарликларини ҳам келтириш мумкин.

2019-2020 йиллар мобайнида маъмурий судлар томонидан **ҳокимларнинг 2 минг 852 та қарори ноқонуний деб**

топилиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тиклангани ҳам фикримиз исботидир. Албатта, адолат жойига ўрнатилгани ижобий ҳолат, лекин нега шунча қонунга зид ҳужжатлар қабул қилинган? Бунинг учун ҳокимлар қай даражада жазоланди? Ахир бу рақамлар қанчалаб одамларнинг ҳуқуқи поймол этилганини англатади-ку.

Назаримизда, ҳокимларга бу борада таъсирли чора кўрилмапти ёки айрим ҳолатларгина фош этиляпти. Умуман ол-

ганда, кузатилаётган манзара иккаласи ҳам тўғри деган хулосага олиб келади. Аксарият ҳокимлар ва ҳокимликлардаги масъулларнинг беписанд, баъзан қўпол муомаласи орқали ўзини мутлақ куч сифатида одамларга тақдим этиши шундан далолатдир.

Ушбу қонунсиз ҳаракатларда иштирок этган ҳокимдан тортиб, ҳар бир масъул ходимнинг моддий жавобгарликка тортиш керак. Тортганда ҳам ўша қилмишига пушаймон қилдирадиган миқдорда жарима белгиланган маъқул. Чунки,



эртага шундай ишга қўл ураётганда ўйлаб қолсин ва фикридан қайтсин.

Энди ҳокимликдаги оддий ходимларни нега жазолаш лозим? Мақсад шуки, ҳоким ғайриқонуний топшириқ берганда кўр-кўрона бажармасин, вақти келганда ҳоким уни жавобгарликдан қутқариб қолмаслигини тушунсин. Қолаверса, ҳокимликлардаги баъзи масъул ходимларнинг ўзи коррупциявий

ишлар ташаббускори ҳисобланади.

Хуллас, «фалон ҳокимларнинг ноқонуний ишлари фош этилди» деб ҳисобот бериш ҳали адолат жойига қайтди, келгусида бундай бўлмаслигига кафолат борлигини аниқлаш керак. Қонунбузарликка қарши курашда қатъий мақсад бўлса, ҳаммаси жойига тушади.

Ҳумоюн ТОҲИРОВ,
блогер.

МАЪНАВИЙ ТАҲДИД

ЁШЛАРИМИЗНИ

«ТИК ТОК» ВАСВАСАСИДАН ҚАНДАЙ ҚУТҚАРАМИЗ?

«Тик ток»да обуначиларини кўпайтириш мақсадида «онамни сўяман» деб видео қолдирган боланинг жамоатчилик томонидан салбий муносабатга учраши туфайли пушаймонини изҳор этганига гувоҳ бўлдик.

Энг аввало, шу ҳолатнинг қандай келиб чиққани ҳақида бош қотирсак. Тўғри, «Тик ток»нинг зарари ҳақида кўплаб фикрлар билдирилган. Ўйлаб кўрсак, гап фақат шунда эмас. Ёшлар тарбиясида кўзга кўринмас бузилиш пайдо бўлганини эсдан чиқармайлик. Бунга эса биз, катталар сабабчимиз.

Эътибор бериб қарасак, оилавий гурунглари, яқинлар даврасидаги суҳбатлар мазмуни моддий манфаат нуқтаи

назардан турли иллатларни оқлашга ўхшаб қолаётгандек туюлади. Бундан энди дунёқараши шаклланаётган болалар қандай хулоса чиқарсин?

Бир муддат олдин ҳам ёш йигитнинг туғилган куни билан табриклаш баҳонасида онаси юзига торт ёпиштириб мазах қилгани акс этган видеоси чиққан эди. Аҳамият беринг, моддий манфаат туфайли она деган муқаддас тушунча оёқости қилинмоқда. У бу тарбияни қаердан олган? Табиийки, уйдан.

Ўйлаб кўринг, фарзандда онага, отага нисбатан шундай муносабат шаклланса, бу жамиятда инсоний қадриятлар яқсон қилинди, дегани. Шукурки, ҳали бу даражага етиб борганимиз йўқ. Аммо бу борада жиддий хавф бор.

Тўғри, тирикчилик

ташвишлари одамларнинг фикрлаш тарзига ҳам салбий таъсир этди. Лекин бу баҳона бўлмайди. Таълим, маънавият соҳаси вакилларида тортиб, турли даражадаги раҳбарларга бу борадаги масъулиятни ҳис этсин. Айниқса, жамиятимиз аъзолари бўлган обрў-эътиборли, бой ва пулдор одамлар айни масалада кучли таъсирга эга. Чунки биз назарда тутаяётган ёшлар уларни намуна деб билишади.

Буни қандай амалга ошириш мумкин? Албатта, ҳукуматнинг шу йўналишда самарали чора-тадбирлар белгилаши ёшларимиз маънавиятига таҳдид солаётган иллатнинг илдизини қирқишга хизмат қилади.

Ғайрат ЭРГАШЕВ,
педагог.



БИЛАСИЗМИ?

Чегарадан қанча миқдорда пул олиб кириш мумкин?

Жисмоний шахслар қуйидаги миқдорлардаги товарларни божхона тўловларини тўламасдан Ўзбекистонга олиб кириши мумкин:

— Ўзбекистоннинг халқаро аэропортлари божхона чегаралари орқали олиб ўтишда – 2 000 АҚШ доллари;

— Ўзбекистон Давлат чегараларининг темир йўл ва дарё божхона чегаралари ўтиш пунктлари орқали олиб ўтишда – 1 000 АҚШ доллари;

— Ўзбекистон Давлат чегараларининг автотўли (пиёда) божхона чегаралари ўтиш пунктлари орқали олиб ўтишда – 300 АҚШ доллари;

— халқаро курьерлик жўнатмалари орқали жисмоний шахслар номига келаятган товарлар учун – бир календарь чорак мобайнида 1 000 АҚШ доллари;

— халқаро почта жўнатмалари орқали жисмоний шахслар номига келаятган товарлар учун – 100 АҚШ доллари.

ЭЪЛОН

Абдусатторов Шаҳбоз Шавкат ўғлига «Yoshlar» телеканали томонидан берилган №431 рақамли рухсатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

КОРОНАВИРУСГА 1 ЙИЛ: ВИРУС БИЗГА НИМАЛАРНИ ЎРГАТДИ?



2020 йил 15 март куни мамлакатимизда COVID-19 билан зарарланган ilk бемор аниқланганди. 16 март, душанбадан бутун республикада қатъий карантин чоралари эълон қилинди. Мана, оғир ва синовли, шу билан бирга, мураккаб бир йил ортда қолди. Хўш, у бизга нимани ўргатди?

Карантин эълон қилинган дастлабки кунларда уйда қолиш, ниқоб тақиш, масофадан туриб ишлаш, хат-ҳужжат ишларини онлайн юритиш ва шу каби бошқа тартиблар одамлардан кундалик одатларини «тортиб олгани» бор гап. Гарчи нотабиий бўлсада, худдики кенг уст-бош кийишга ўрганган одам тор кийдирилганда ўзини қандай ўнғайсиз сезса, шундай бир ҳолат юзага келди. Мана энди ушбу вирус билан бирга яшашга, унга мослашишга мажбурмиз ва ҳозирча бундан ўзга йўл йўқ. Бошқача айтсак, пандемия жамият ривожининг янги йўналишларини кашф этишга, «тортиб олган»-лари ўрнини муқобиллари билан тўлдиришга мажбур қилмоқда ва бу билан инсониятга яхшигина «дарс» бермоқда. Масофадан ишлаш, масофавий таълим, онлайн хизматлар ҳаёт тарзига айланиб улгурди.

Тан олиш керак, корона-вирус, энг аввало, ҳар қандай ҳолатда ҳам тадбирли ва тартибли бўлишимиз лозимлигини кўрсатди. Вирус билан курашиш ўзимизни назорат қилиб яшашга мажбур қилди. Биз шу чоққача ҳам шундай эдикми? Юриш-туришимизга, ҳаракатланишимизга, бошқалар билан муносабатларимизга, атроф-муҳит тозалигига ва ҳоказоларга шундай эътиборли эдикми? Йўқ, албатта.

Инсоният технологиялар асрида жуда кўп фази-латларидан маҳрум бўла

бошлаганди. Раҳмдиллик йўқолди. Биз ҳозир Сурия ёки бошқа бир давлатда бўлаётган урушларни, қон тўкишларни унга факт сифатида қарашга ўрганиб қолдик. Нари борса, шу ерда жиддий уруш бўляпти, қон тўкиляпти, шу ерда ҳеч уруш тугамади-да, деб қўямиз. Юрагимиз инсониятнинг фалокатлари учун йиғламай қўйди.

Ростўйлик йўқолди, ёлғон кўпайди. Бу ишлар гуноҳ эмас, оддий ишдай қабул қилинадиган бўлиб қолди. Бу нарсалар яшаш қонуниятига айланди. Табиий қабул қилинапти. Одамлар бировнинг ҳақидан қўрқмай қўйди. **Ўғрилиқ кўпайди.** Ҳатто шундай бўлдики, пандемия вақтида ёрдамга муҳтожлар учун аталган моддий воситалар ўғрилана бошлади. Яқинларга, дини-диёнатга хиёнатлар кўпайди. Биз шунгача етиб келдик. Вирус шуларни бизга эслатди.

Қилиниши мумкин бўлган, лекин қолдирилган ишлар сони, албатта, кўп. Доимо вақт камдек туюлиб, ишларни эртага қилса ҳам бўлади, деб ўйлардик. Кутилмаганда, зарур ишларни қила олмайдиган вазият мавжудлигини билдик. Бу билан ҳаётнинг зарур қадамларини режалаштириш ва ушбу режани қатъият билан ўз вақтида бажариш муҳимлигини, бундай кутилмаган дамларга доимо тайёр бўлиш ва унга хотиржам ёндашиш кераклигини англадик.

Мана, энди **қадр-қиммат** ва бошқа **эзгу туйғулар сал қадрланяпти.** Одамлар бировни эмас, ўзини ҳам баҳолаши кераклигини эсга олди. Инсонлар мен **охирги марта кимга яхшилик қилдим**, деб ўйлаб бошлади. **Борига қаноат қилиш, шукр қилишни** ўргандик. Яқингача ҳам у ёки бу ҳолимиздан нолиб, ҳар бир қилинаётган ишлардан камчилик ва нуқсон ахтариб яшамаётганимиз? Ўзимизнинг яшаш тарзимиз учун кимнидир айблаб келардик? Тўғрими?

Афсуски, бир қарашда ақл-идроқда, технологияларда катта-катта эври-лишлар қилган, бу билан ҳаволаниб кўксига мушт ураётган инсон ҳали-ҳамон шу кўзга кўринмас даражада кичик вирусни енгишни уdda қилолмаёпти. Бироқ ҳамжиҳатлик, одамийлик, инсонпарварлик туйғулари бор экан, бундай синовлар, албатта, енгиб ўтилади.

P/S. Италия касалхоналарининг биридан тузалиб чиққан 93 ёшли кекса киши сунъий нафас бериш жиҳозининг бадалини талаб қилишганида, йиғлай бошлади. Доктор йиғламасликни айтганида, кекса киши шундай дейди: «Тўлашим лозим бўлган пул туфайли йиғламаёпман. Бу тўловларнинг ҳаммасини тўлашга кучим, имконим бор. Мени йиғлашга мажбур қилган нарсаси 93 йилдан буён Тангрининг ҳавосидан ҳеч қийинчиликсиз нафас олмоқдан ва бунинг бадали(ҳақи)ни ҳеч тўламадим. Ваҳоланки, биргина нафас берувчи жиҳоз учун бугун ҳар кунига 500 евро тўлаб турибман. Тангридан қанчалар қарздорман, биласизми? Бу неъмат учун бир бор бўлса ҳам ташаккур айтмабман, шукр қилмабман!»

Содиқ АБДУРАСУЛОВ.

БИЛАСИЗМИ?

Кимларга эмланиш тавсия этилмайди?

Эмлаш тадбирларини амалга ошириш пайтида ушбу вакцинани ишлаб чиқарган ташкилотнинг тавсияларига амал қилинади. ОИВ инфекциясига ёки аутоиммун касалликларига чалинган шахсларни, шу жумладан, анамнезда оғир аллергик реакциялари мавжуд бўлган шахсларни, ҳомиладорларни, эмизикли аёлларни ва 18 ёшгача бўлган аҳоли қатламини эмлаш тавсия этилмайди.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам эмлаш тўғрисидаги қарор тиббий кўрик натижасида қабул қилинади. Мабодо эмлашга монелик қиладиган у ёки бу турдаги ҳолатлар кузатилса, тиббий кўрик ўтказётган шифокор, албатта, унга эътибор қаратади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Эмланганларга қандай эътибор қаратилади?

— Айни пайтда юртимизда вакцинациялаш жараёнига тайёргарлик кўрилмақда. Айтинг-чи, эмлангандан кейинги асоратларнинг олдини олиш борасида қандай ишлар қилинапти?

Нуриддин ШАРИПОВ.
Тошкент вилояти.



Нурмат ОТАБЕКОВ,
Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи ўринбосари:

— Коронавирусга қарши эмланган шахслар патронаж тиббиёт ходимлари томонидан эмлангандан сўнг 30 дақиқа давомида кузатиб турилади. Кейинчалик уч кун давомида уйига ташриф буюриш йўли билан мунтазам тиббий кузатувга олинади. Уларнинг соғлиғи, аҳоли кўздан кечирилиб, тегишли ҳужжат билан расмийлаштирилади.

Барча эмлаш масканларида мутахассислар (вакцинаторлар), асбоб-анжомлар ва биринчи тиббий ёрдам учун зарур бўлган дори-дармонлар захираси яратилади. Эмлаш мутахассислари эмлашдан кейинги салбий реакцияларни аниқлаш ва лозим бўлган тақдирда тегишли тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича тайёргарликдан ўтказилган. COVID-19га қарши эмланиш билан боғлиқ аллергик реакция кузатилган ҳолларда тез тиббий ёрдам бригадалари ҳам жалб этилади.

Яна бир бор таъкидлаб ўтамиз, фуқаролар эмланишдан олдин, албатта, тиббий текширувдан ўтказилади. Бу кутилмаган асоратларнинг олдини олишга замин яратади.